

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ

5620600 –Зоотехния (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши

**Ҳасанов Одилбекнинг
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Сур рангли совлиқларни жуфтлаш натижалари
(Рефератив)**

Илмий рахбар, доцент _____ А.И.Инаятов.

**“Яйлов чорвачилиги ва
хайвонларни озиқлантириш
технологияси” кафедраси
муdiri, қ.х.ф.н., доцент
_____ Б.С.Яҳяев
№ ____ - сонли йиғилиш баёни
« ____ » _____ 2014 йил**

**Ветеринария, зоотехния ва
қорақўлчилик факултети
декани, доцент _____
Н.Фармонов
№ ____ - сонли йиғилиш баёни
« ____ » _____ 2014 йил**

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА.

КИРИШ.....	3
I. Адабиётлар шархи.....	8
II. Асосий қисм.....	14
2.1.Мавзунинг ечими ва унинг ёритилиши.....	14
2.2. Сур қоракўл қўйларининг келиб чиқиши.....	14
2.3. Сур терилар.....	15
2.4. Сурсимон ранг.....	18
2.5. Зот устида олиб борилган наслчилик ишларининг вазифалари.....	21
2.6.Сур қоракўл қўйларни урчитиш.....	22
III. Сур қоракўл қўйларини такомиллаштириш ва уларнинг сермахсул завод типларини яратиш.....	27
3.1. Рангдор бир хил белгисига қараб жуфтлаш билан сур қўзилар олиш.....	29
3.2. Сур қўйларининг завод типи.....	31
3.3. Тилла сур қўйларнинг навоий завод типи.....	32
3.4.Рангидан ҳар хил белгиларга қараб жуфтлаш билан сур қўзилар олиш.....	33
3.5. Келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил совлиқларни бир хил ва турли белгиларига қараб жуфтлашда сур қўзилар олиш.....	37
3.6. Сур қўйларнинг “қизилқум” завод типи.....	39
3.7. Сур қўйларининг “Қорақум” кумуш сур завод типи.....	41
3.8. Сур Қорақалпоқ қоракўл қўйларининг зот типи.....	47
IV. Сур ранг қоракўлининг товар сифатлари.....	52
V. Сур қоракўл қўйлар селекцияси.....	57
VI. Ekologik масалаларнинг ёритилиши, hayot faoliyati va texnika xavfsizligi.....	58
Хулосалар.....	60
Ишлаб чиқаришга амалий таклиф ва тавсиялар.....	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63
Илова.....	67

КИРИШ.

Қорақўл қўй зоти ўзининг мураккаб тузилиши ва кўп қиррали ички гуруҳлари –экологик, жун-конитутционал, гул, завод типлари мавжудлиги билан бошқа зотли қўйлардан тубдан фарқ қилади.

Қорақўл қўй зотида қора, кўк (шерози) ва сур асосий ранглар ҳисобланади. Буларнинг орасида сур ранги ўзининг мураккаблиги билан фарқ қилади. Бу фарқ улардаги гулларнинг морфологик тузилиши, жун толаси узунлиги бўйича таркибидаги пигментнинг ҳар хил тарқалиши ва рангининг наслдан насилга ўтишидаги хусусиятларида номоён бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган умумий қорақўл териларнинг 38-40 фоизини рангли терилар ташкил қилиб, уларнинг 90 фоизга яқинини сур рангли терилар ташкил қилади. Лекин етиштирилаётган сур қорақўл териларининг 30 фоизга яқини сифат ва рангбарнглигининг номоёнлиги ва текислиги бўйича талабга жавоб бермайди. Бундан ташқари селекция жараёнига салбий таъсир қилиувчи 15-20 фоиз қора сур қўзилар ҳам етиштирилади.

Бундай ҳолатнинг асосий сабаби сур қўйлар билан наслчилик ишларини олиб бориш ва уларнинг селекцияси йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳамда сур қўйларни урчитишга ихтисослашган хўжаликларда сифатли сур насли моллар етиштиришга бўлган эътиборсизлиги ҳисобланади.

Булардан ташқари ҳозирги вақтда Бухоро сур териларида сурликнинг паст, жун толасининг учки пигментсиз қисми узунлигининг талаб даражасида эмаслиги ишлаб чиқарилаётган сур терилар харидоргирлигининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун қорақўлчилик фани олдида бу муамоларни илмий асосда ижобий ечиш вазифаси юклатилган.

Президентимиз 17 апрель 2013 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган “Замонавий уй жой қурилиши қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига тўхталар экан: “Қишлоқ қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурулиш саноати ривожланмоқда. Янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда” дея алоҳида таъкидладилар.

2013 йил 23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш йўналишларига ҳамда шу йил 18 – январда Республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томондан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишларива устивор вазифалари амалга оширилишини боҳалашга бағишланган мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш энг аввало, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизациялаш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш ҳамда уни таркибий ўзгартиришларини чуқурлаштириш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора – тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. қайд этиб ўтилдики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳолатларга қарамай, иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг рақобатбардошлилигини ошириш дастурининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли макро иқтисодий барқарорликни ва республика иқтисодиётини ўстиришнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ишлаб чиқариш ҳажми 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2

фоизга, курилиш ишлари – 13,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотларига нисбатан 0,4 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогност параметрларидан ошмоқда. Ички талабни рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар билан янада кўпроқ тўлдириш бўйича курилатган чоратadbирлар натижасида истеъмол товарлари 13,1 ва хизматларҳажми 9 фоизга кўпайди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 52,1 фоиз ўрнига 52,5 фоизга ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 40,4 фоизга ўстириш таъминланди, импорт ўрнини қоплашнинг ҳисоблаб чиқилган самараси 1,0 миллиард АҚШ долларни ташкил қилди.

Энг аввало иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга ва модернизациялаш кўламларини кенгайтиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилатганлиги, ўзлаштирилатган инвестициёлар ҳажмининг 7,2 фоиз, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳокимининг 35,5 фоиз ўсишга кўмаклашди, уларнинг қарийб 84 фоизини тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди. 587 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, шунингдек, АҚШ долларига тенг бўлган 114 та янги инвестиция лойиҳасини амалга оширилди.

Қоракўлчилик республика қорвачилигининг муҳсим ва шу билан бир қаторда ўзига хос соҳаси бўлиб у мамлакатнинг 18,0 млн. гектардан кўпроқ майдонини эгаллаган чул яйловларида ривожланади. Ушбу оғир экстремал шароитда қоракул қўйлари юқори сифатли, турли ранг, ранг-баранглик ва ассортиментдаги қоракўл териларн, қоринча (ширдон), қўй терилари, жун, гўшт каби маҳсулотлар бериш қобилиятига эга бўлиши билан чул регионида яшовчи аҳолининг социал, маданий ва моддий ҳаёт манбаи ҳисобланади.

Охириги йилларда мамлакат халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби қоракўлчиликда ҳам амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг бошлаигич даврида қоракўл қуйларн сонининг малум даражада камайиши,

улар махсулдорлигикинг пасайиш холлари, махсулот сифатининг пасайиши кузатилди. Шу билан бир каторда шу даврда транспорт харажатларининг кўтарилиши натижасида қўйларни марказлашган сўйиш пунктларига олиб келмасдан отарларда сўйиш, териларни тузлаш жараёнида стандарт талабларига жавоб бермайдиган тузнинг ишлатилиши ва бошқа объектив ва субектив сабабларга кўра қоракўл териларида ҳар хил нуқсонларнинг кўпайиш холлари кузатилиб, бундай ҳолат ҳозирги кунда ҳам учрамоқда.

Таъкидлаш лозимки, қоракўл териларига сифатли бирламчи ишлов бериш билан уларнинг товар-технологик хусусиятларини ижобий томонга ўзгартириш кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бу эса ўз навбатида териларнинг сифат хусусиятларининг яхшиланиши орқали қоракулчилик хўжаликларининг иқтисодий ривожланиши мумкин. Масалан, қоракўл териларига отарлар шароитида бирламчи ишлов беришда биринчидан стандарт талабидаги туз ишлатилмаслиги, ёки ҳар бир терига туз сарфлаш меъёрига ва тузда сақлаш муддатларига риоя қилинмаслиги, ёки купчилик холларда қоракўл терилари шилиб олингандан кейин ёғ-гўшт қолдиқларидан тозаланмаслиги мумкин. Буларнинг барчаси териларнинг турли қисиларининг бир хил ишлов берилмаслиги, букланиб қолишига, тери сатхининг аниқ шаклга эга бўлмаслиги ва турли хил тузланиши ва ниҳоят уларнинг кейинчалик сифатсиз технологик ишлов берилиш ҳолатларини юзага чиқариши мумкин.

Шу муносабат билан ҳозирги кунга келиб сифатли махсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда унинг узоқ вақт сақланишини ва нуқсонсиз бўлишини таъминлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бу эса ўз навбатида махсулотнинг рақобатбардош, экспортбоп қисмининг салмогини оширишни таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки охириги йилларда Республика ҳукумати чорвачиликни, шу жумладан қоракўлчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Булар жумласига "Чорвачиликда наслчилик ишлари

тўғрисидаги" қонун (1995 йил), Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қорақўлчиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 1993 йил 13 июн 250-сонли қарори ва кейинги йиллардаги қатор чора-тадбирларни киритиш мумкинки, улар ушбу тармоқни бевосита қўллаш ва ривожлаштиришга қаратилган. Бу қонун ва қарорларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш соҳанинг ривожланишини, етиштириладиган қорақўлчилик маҳсулотларининг сифатини сезиларли ошириш, унинг экспортбоплиги, жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини ва умуман олганда ўзбек қорақўлининг шуҳратини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, яна бир бор таъкидлаш ўринлики, ушбу йўналишидаги тадқиқот йўналишлари доирасини кенгайтириш долзарб ва замон талабига мос келади.

Ушбу рефератив битирув малкавий иши сифатли ва рангбаранг ассортиментли сур қорақўл кўзиларини ва тери ишлаб чиқаришни илмий асосланган селекция услублари орқали ечишга қаратилган.

Битирув малкавий ишида баён этилган насилчилик ишлари тартиби, селекция талабларига мос сур қўйларни танлаш, жуфтлаш, насли текширилган насли кўчқорлардан унумли фойдаланиш, насилчилик ишлари ҳисоб китобини ташкиллаштириш асосида сурчиликни ривожлантирсалар кўзланган ютуқларга эришадилар.

I. Адабиётлар шархи.

Қорақўл тери дейилганда энг аввало 1-2 кунлик қўзи терисидаги гул ва турли рангга эга бўлган қўзилар қўз ўнгимизда гавдаланади. Қорақўл териларга олам шумул шухрат келтирган белгилардан энг аввало улардаги гуллар ва ранглардир.

И.Н.Дьячков (1980) биринчи бўлиб қорақўл териларидаги гулларнинг турларини ўрганиб, улар олтига шаклларга бўлинишларини аниқлаган.

Кейинчалик академик В.М.Юдин (1970), Қоракул кузиларда учрайдиган гуллар турлари 7-та эканлигини исботлаган.

Профессор И.Н.Дьячков (1980) бошчилигида бир гуруҳ олимлар қорақўл куйнинг гул шаклларига асосланган селекция-наслчилик назариясини илгари суриб 1980 йили қорақўлчилик амалиётга кенг қўллаш учун тавсия берган эди. Ўтган 40 йил мобайнида турли рангдаги қоракул куйларининг наслий ва махсулий имкониятлари, илмий услублар асосида урганиб келинмоқда. Рангли қоракул куйлар селекциясида ранг ва рангбаранглар (туслар) кўринишлари, хусусиятлари, наслий асослари, гул ва рангларнинг текислиги, намоёнлиги, жун-тола сифати катор олимлар томонидан урганилган (Н.С.Гигинейшвили, 1976, В.И.Стойновская, 1966 А.К. Ибрагимов, 1995; А.Р.Рахимов, А.Беленко, 1996; А. Хакназаров, 1996; А.Д.Исламов, 2001).

Қорақўл қўзиларнинг энг асосий селекцион белгилари гуллар ва уларнинг шакллари, ранг, рангбаранглар (туслар), жун тола сифат ва хусусиятлари ҳисобланади. Академик В.М.Юдин гулларнинг 15-20 кун давомида сақланишига эътибор бериб насли кўчкорларни такрорий 15-20 кунлигида баҳолашни тавсия этган эди. Н.С. Гигинейшвили (1976) рангли қорақўл қўзиларни 15-20 кунлигида баҳолаганда уларнинг жун тола сифатига кўпроқ эътибор бериш лозимлигини ўқтиради. Б.Маматов (2003) қора рангли ургочи қоракул қўзиларни 12-15 кунлигида такроран кўриб чикиб гуллари яхши сақланганликларини алоҳида гуруҳга ажратиб супер-элита суруви деб

номлашни тавсия килган эди. Дьячков И.Н. (1980), Нуриллаев Я.Н. (1986) кора ва шерози рангли насли қоракўл кўчқорчалар гуллари ва уларнинг 15-20 кунлигида сақланишини ўрганган.

Мавжуд мақолаларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики гул ва рангларнинг сақланиши 10-15-20 кунликларида ўрганилган бўлиб уларнинг наслий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар йуқ.

Қўзиларда жун-тола узунлиги қумли чўл ва тоғ олди минтақаларида ҳар хиллиги аниқланди ва бу белгининг юқори даражада ўзгарувчанлиги тоғ олди ва ярим чўл ҳудудларида қайд этилди. Гулларнинг сақланиши ва у билан боғлиқ бўлган селекцион белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаси ўрганилиб, гулларнинг кескин бузилиш даври 23-30 кунлигида рўй бериши аниқланди. Бу эса гуллари яхши сақланадиган гуруҳлар яратилиш имкониятлари борлигидан далолат беради.

Гулларнинг бузилиш жараёни уларнинг жун-толаларининг узайиши билан боғлиқлик бўлиб, гулларнинг қимматли, мустаҳкам, узун гуллар салмоғини камайиши ва пасайиши кузатилган. Шерози, сур, оқ қўзиларда гулларнинг бузилиши, уларни морфологик тузилиши ва жун-тола узунлигини ҳар хил даврларда узгаришига боғлиқлиги аниқланди. Бу хусусиятларнинг ўзгариши жун-толаларининг рангига боғлиқлиги кузатилди. Шу сабабли турли ранглардаги қўзиларда гулларнинг бузилиши ҳамма даврларда турли нисбатларда намоён бўлиши кузатилди.

Қоракўл зотида ҳозирги пайитда, ҳар хил ранглардаги генофондлар салмоғи ҳар хил эканлиги ва уларнинг популяциялардаги генотиплари доимий равишда узғариб туриши кузатилади. Генотипларнинг популяциядан-популяцияга ўтиши генларнинг миграциясига боғлиқлиги таъқидланиб уларнинг наслчилик ишлари унумдорлигини оширишда алоҳида аҳамияти борлиги маълумдир. Қўиларни қайта урчитиш борасида қоракўлчиликда ҳудудий наслчилик станциялар ташкил қилиш ғояси кўтарилди, улар фаолиятида зооветеринария сервис хизмати турларини

кенгайтириш зарурлиги, сунъий уруғлантиришда ишлатиладиган асбоблар ва мосламаларни маҳаллий хом-ашёдан ишлаб чиқиш зарурлиги кўтарилган. Органопрепаратларни зарарсизлиги ва захарсизлиги аникланди. Қоракалпок сур куйларининг тўрткул завод типини яратиш бўйича сурувнинг наслий селекцион ядросининг микдорий ва сифатий кўрсаткичларига баҳо берилган ва ҳисоботда келтирилган. Янги тўрткул завод типи яратилганлиги апробация комиссияси томонидан таъкидланган дамда морфобиологик тестлардан фойдаланганлиги кўрсатилган.

Мавзунинг бажарилиш жараёнида тўпланган маълумотлар янги ва шу хўжаликларнинг тажриба отарларида жорий этилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар селекцион-генетик ишларининг бозор иқтисодига утиш билан боғлиқ бўлиб, маҳсулот турларини, уларнинг микдорини оширишга, сифатини яхшиланишига қаратилганлиги билан аҳамиятли. Бу йўналишдаги илмий изланишдари нинг иқтисодий самарадорлигини юқори бўлиши шубҳа туғдирмайди. 2002 йилда шу тадқиқотлар янада кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. 1997-2000 йилларда олиб берилган тадқиқотларининг натижасида қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритишнинг такомиллашган тизими ишлаб чиқилган, қўйларнинг жун копламининг онтогенездаги фенотипик ўзгаришлари ўрганилган, қора рангли қорақўл қўйлар селекциясининг усул ва услублари такомиллаштирилган, қорақолпок сур қўйлари селекциясининг самарали услублари ва куйларни такомиллашган қайта урчитиш тизими бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Бу наслчилик ишлари тизимини қорақўл қўйчилигида жорий қилиш соҳа маҳсулотларини сифатини яхшиламоқда микдорини кўпайтириб харидоргирлиги ва рақобатбардошлигини ошириш имконини бермоқда.

Қорақўл қўйлар билан наслчилик ишларини олиб бориш, зотнинг мақсадлари яратиш ва тарихи билан боғлиқдир. Қорақўлчиликнинг асосий маҳсулоти турли ранг ва ранг-барангликлардаги муйналар кишиларни на фақат моддий эҳтиёжини қондиради, балки уларни маънавий эҳтнўжларини ҳам қондириб

келмокда. Чунки, коракул ранг-барангликларини жилоланиши, гулларининг ажойиблиги, хар хил накшлар ҳосил килиши инсон кайфиятини кутариб, ҳам рухлантириб келмокда. Шунинг учун ҳам, ранг-барангликлар жозибаси, кимматли металллар, тошлар, номи билан юритилиб ҳаёлан уларни эслатиб кишиларни эстетик завклантиради. Ажаб эмаски, минг йиллар олдин ҳам бунёдкор аجدодларимиз бу зотни яратишда одамларни маънавий талабини кондиришни уйлаган бўлса. Шунинг учун ҳам ижодкор халк селекционерлари ўз олдиларига сифатли гул ва накшлар ҳосил киладиган, нафис ранг ва ранг-барангли терилар берадиган қорақўл қўйлар зотини яратиш вазифасини куйганлар.

XX асрнинг биринчи ярмида, коракул зотидаги ранглар, ранг-барангликлар, гул ва накш турларини хар томонлама ўрганиш бўйича тадқиқотларни бошлаб юборганлар. 30- йилларгача зотни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш усуллари, авлоддан-авлодга оғзаки берилиб келинган ва халк, селекционерлари билими асосида олиб борилган. халк, селекционерларининг асосий фаолияти насли қўчкорларни танлаш, уларни устириш ва ишлатишга қаратилган эди.

У. Валиев (1986) маълумотларига қараганда, XX асрнинг бошларида Афғонистонда 0,7 млн. қоракул қўйлар мавжуд эди. 1933 йилнинг бошига келиб тоза зотли қоракул қўйларнинг сони 2,5 млн. бошга етган. Киск,а мухлатда Афғонистонга Ўрта Осиёдан асосан Ўзбекистон Республикасидан 1,8 млн. зотли қорақўл қўйлар олиб кетилган эди. Кейинги 65-70 йил давомида қорақўл қўйларни урчитиш ва селекция услублари, ташкилий-хўжалик шакллари, ишлаб-чиқариш тизимлари, насли ҳайвонларни ўстиришва тақсимлаш таъқидаларининг (принциплари) илмий асослари ишлаб чиқилган эди. Соҳа етарли миқдорда хар хил ранг ва сифат гуруҳлардаги қоракул терилар етиштириб, ташки ва ички бозор талабларини кондирар эди.

Ўзбекистон давлати мустакилликка эришганидан кейин, хўжалик юритишда бозор муносабатларига утганидан сунг қорақулчилик ҳам сифат ўзгаришларини бошидан кечири бошлади.

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришиши муносабати билан бутун халқ хўжалиги бозор муносабатларига ўта бошлади, қорақулчиликда ҳам бир канча ўзгаришлар бўлди. Соҳада фермер хўжаликлари, ширкат, ижара хўжаликлари ва оилавий пудратдек хўжалик юритиш шакллари ривожлана бошлади. Хозирги аҳвол соҳани ишлаб чиқариш жараёнини меърида олиб боришни таъминламайди. Ўтиш давридаги ўзгаришлар қорақулчиликда наслчилик ишларини олиб боришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Наслчилик ишларини асосий буғини ҳисобланган юкори маҳсулдор насли қўчқорларни етиштириш, ўстириб вояга етказиш ва тақсимлаш жараёни ҳам унумли ишлаш имкониятига эга бўлмай қолмоқда. Етиштирилган қорақулчилик маҳсулотлари тайёрлаш, қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш жараёни ҳам издан чиққан. Янги хўжалик юритиш шароитида, янги муаммолар туғилиши муқаррар. Масалан: наслчилик ишлари тизимини қай даражада такомиллаштириш зарур, селекция ишларини қандай қилиб тегишли даражада сақлаш ёки ўзгартириш керак, қандай қилиб селекция усулларида самаралироқ фойдаланиш мумкин, хўжалик юритишни тадбирлар тизимида қандай ўзгартиришлар киритиш керак, қар хил ишлаб чиқариш поғоналарида қандай ташкилий хўжалик ишларини амалга ошириш мумкин. - деган муаммолар пайдо бўлди.

Соҳада юзага келган аҳволни тушунтириш учун биринчи босқичда наслчилик ишининг аҳволи ва ҳайвонларни наслилиги ва маҳсулот сифати бўйича баҳолашни ўрганиб чиқишдек масалалар ечимга қўйилган.

Янги завод типлари ва линияларини яратиш, қўчқорларнинг насл сифатини текшириш, қимматли генофондларни асраш, насли манбаълардан унумли фойдаланиш, урчитиш мавсумига аниқликлар киритиш ва узайтириш, қочириш муддатларини қисқартириш ва юкори сифатли қўчқорлар уруғи

билан оталантириш хиссаларини ошириш, кузиларни асраш ва бепуштликнинг олдини олишдек ма-салалар турибди.

Хозирги пайтда, кўпчилик хужаликларда сунъий уруглантиришни йиғиштириб куйганлар, ҳар бир насли кучкорга 15-20 бош совлик тугри келади, унумли кочириш мухлаталарига риоя килинмаяпти, совликларни кочиришда яроксизга чиқарилган кучкорчалар ишлатилмоқда. Натижада совликларнинг туғиш мавсуми февраль ойидан май ойигача чузилиб келмоқда, бунинг оқибатида қоракул териларининг сифати ёмонлашмоқда.

Хозирги вақтда ихтисослаштиришни ҳисобга олмай, наслчилик ишлари хизматларини ҳабардор қилмай, хўжаликлараро насли кўчкорлар алмаштириш авж олиб кетмоқда, талабдан ортик кўчкорчаларни ўстиришга қолдириш ва уларни хўжаликда номаълум муддат сақланиши, пода структурасини (таркибини) бузилишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига олиб келмоқда. Совликларни эркин уруглантиришни қўллаш, мақсадга мувофиқ жуфтлашни амалга оширмаслик, наслчилик ишларининг ҳисобини юргизмаслик, кучкорларни авлод сифати бўйча текширмаслик каби ишларни хужаликларда кенг тарқалиши оқибатида, селекция самарадорлиги пасаймоқда. Эркин уруглантириш усулини қўллаш инфекцион касалликларнинг тарқалишини, бола(кузи) ташлаш, ўлик кўзилар туғилиши ва бетартиб яқин қариндошлик урчиш, эпизоотияларни тарқалиш ҳавфини кучайтирмоқда.

Соҳа хўжаликларини кўп укладли шаклларга айлантириш ва аста-секинлик билан қоракулчиликни хусусийлаштириш, шароитида унумли селекция ва наслчилик ишларининг усулларини ишлаб чиқиш, зотни қимматли генофондларни сақлашининг турғунлигини таъминовчи наслчилик ишларини самарали технологияларини яратиш ва қўйлар ҳаётчанлигини ошириш, ҳам назарий ҳам амалий аҳмиятга эга.

II. Асосий қисм.

Мавзунинг ечими ва унинг ёритилиши.

2.1. Сур қоракўл қўйларининг келиб чиқиши.

Бутун қоракўл қўйлар зотининг ўзи каби сур қўйлари ҳам жуда қадим замонларда пайдо бўлган. В. И. Стаяновской (1974), М. Ж. Зокиров (2001), А. А. Раҳимов (1967), ва бошқаларнинг фикрича , 18-19 асрларда сур қоракўл терилар қимматбаҳо тортиқ сифатида топшириб келинган. 40-йиларда ҳам бу ердан барча раёнларга қўчқорлар олиб кетилган эди.

С.Ю.Юсупов (2003) “Сур қоракўл қўйларининг келиб чиқиши ҳақидаги масала ҳалигача ҳал қилинган эмас “ деб ёзади.

Бази олимлар Сур қоракўл қўйлар билан чатиштириш натижасида пайдо бўлган ўқтирмоқчи бўлса, бошқалари терининг шу хил рангда, қора рангли қоракўл териси каби наслининг ўзига боғлиқ деб ҳисоблашмоқдалар.



1-расм.Сур рангли насли қўчқор.


М.О.Эгамкулов (2002) “Бази адабий манбаларга асосланиб Сур Қорақўл қўзилар Бухоро қорақўл қўйлари пайдо бўлган даврда юзага келган деб таҳлил қилиш мумкин” деб таъкидлайди.

Профессор М.Ж.Зокиров (1999) “Ўрта Осиё қорақўлчилиги билан батафсил танишиб чиққанидан кейин 1999-йилида шундай деб ёзган эди. Энг яхши хом териларнинг ўнтаси 2500 сўм, бошқа рангда товланиб турадиган ва сур деб аталадиган териларнинг ҳар донаси эса бундан анча қимматга сотилганини кўрдик деб ёзган эди.

Б. Н.Васин (1990), ўта чиройли нафис ранг, қорақўлнинг энг яхши қора териларга нисбаттан ўн марта қимматроқ сотиладиган пайтлари ҳам маълум деб такидлайди. XX асргача сур қорақўл қўзилар етиштиришга жуда оз этибор берилар эди деб ёзади А.К. Ибрагимов (2001). Муаллиф ўз сўзининг давомида қуйидагиларни такидлайди “Бухоро вилояти Ромитон тумани Жондор номли хўжалигининг умрини қорақўл қўйлари боқиш учун ўтказётган 75 ёшли Ражаб бобо Рўзиевнинг айтишича Бухоро амирлигида бундай қўйлар тасодифан боқилмаган Сур қўйлар айниқса жондор бозор якинида кўп боқилар эди. Сур қўчқорлар бошқа ерларга шу ердан олиб кетиларди. урчитилган сур қорақўл қўйларида ниҳоятда хилма хил рангдаги қўзилар туғилар эди. Лекин чорвадорлар иложи бориша кўпроқ бир хил рангдагли қўзи олишга ҳаракат қилар эдилар.

2.2. Сур терилар.

Қорақўл териларнинг табиий (сур, жигар, пушти ва бошқа) ранглари уларнинг товар қимматини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичларидир. Терининг ранги қанчалик бир хил бўлса у шунчалик чиройли кўринади. Қорақўл терининг табиий ранги жуннинг пигментланиш даражасига боғлиқ. Пигмент дончаларининг оз кўплиги ва айрим жун турларининг ўзига хос пигментланишидан туси ўзгаради. Пигментланиш даражаси қўйнинг наслий хусусиятларига насилчилик ишларини ёлға қўйилиши, яъни танлаш ва жуфтлаш ишларини юқори даражада олиб боришга боғлиқдир.



2-расм. Қоракўл тери.

А.Жалминов (2003) қоракўл териларига пигмент доначалари қора ва жигар рангли эканлигини аниқлаган. Жуннинг узунлиги бўйича пигментланиш даражаси бир теклис бўлмаслигидан тери туси ҳар хил бўлади.

А.И.Инаятов ва О.Б.Файзуллаев (2013) агар пигмент доначалари жунлар узунлиги бўйича бир текисда жойлашган бўлса, шу хил жунлар ранги ҳам бир текис чиқади. Аммо баъзи терилардаги жунларнинг таги кучли, учи эса бўш пигментлашган бўлади. Натижада жуннинг остки қисми тўқ, учи эса оч рангли бўлиб кўринади. Қанча кучли фарқ қилса шунча чиройли тус ҳосил қилади.

С.Б.Базоров (2004) Бундай жунлар билан қопланган терилар чорвадорлар сур тери деб атайдилар. Рангли қоракўл терилар орасида энг қимматлиси сур деб ҳисобланади. Жунларнинг айрим қисимларидаги пигментланиш даражаси турлича бўлганлиги сабабли, уларнинг туси ҳам ҳар хил бўлади. Натижада уларнинг товланиш даражаси ҳам ўзгаради. Бунда

терининг чиройли ва ялтириқлиги ҳар хил бўлади. Жун устига бундай қўшимча тусларнинг пайдо бўлиши кўп сабабларга боғлиқ. Булардан бири жунга қуёш нурининг кўп ёки кам тушишидир. Баъзи нурлар жуннинг тангача қаватидан, бошқа нурлар пигмент доначалари жойлашган жойдан қайтади. Манашу нурлар пигментлар фаолиятига ката таъсир кўрсатади. Пигментлар фаолияти эса жуннинг рангига таъсир этмасдан қолмайди. Сурнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳар бир жуннинг бўйлама ранги (пигментацияси) ҳар хил жун асоси тўқроқ, учи эса оч тусли бўлади.

Сур ранг жун толасининг асоси билан учи ҳар хил рангда бўлиши туфайли юзага келади. (С.Ю. Юсупов, А.А. Раҳимов, А.У. Исмоилов, 1986).

Жуннинг асоси қанчалик тўқ, учи эса қанчалик оч рангда бўлса қорақўл тери шунчалик товланиб. Яхши ва кўркем кўринишли бўлади (А.К.Ибрагимов, 1987).



3-расм. Сур рангли совлиқ.

Жун коплами юқори сифатли, жингалаклари гўзал гуллар ҳосил қилганда, сур терининг ташқи кўриниши киши кўзини қамаштирадиган даражада товланиб туради. (Б.Н.Васин 1999, С.Р.Базаров(2002), В.С.Жилякова 1973, М.Ж.Зокиров ва бошқалар 2001).

С.Ю. Юсупов, А.А. Раҳимов, А.И. Исмоиловлар (1986) “терининг сур рангда бўлиши Гепироеромияга, яъни жун толаси учининг оқариб бориши (яъни жуннинг нотекис ранга кириб қолиши) билан боғлиқдир”–деб такидлашади. Муалифлар ўз фикрларини давом эттириб “жун толасининг асосида тўқ ранг учига томон бериб оқ тусга ўтади.Бу терикарни жилвадор бўлиб уларга чиройли нашқ бағшлайди. Рангининг бир текис тарқалиши нақшнинг бутун тери юзасида бир тусли бўлиши билан характерланади” –деб ёзишади. (1986).

2.3. Сурсимон ранг.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, жигар ранг, тутун ва қўнғир ранг толаларининг учи оқаришидан сур ранг ҳосил бўлади. Анашу рангларнинг оч тусдан то тўқ ва ҳатто қорайиб , қора рангача ўзгариб туради.кўп сонли сур ранг терилар кўрилганда жун тола асослари оч тусдагиларни ҳам, тўқ тусдагиларни ҳамтопиш мумкин. Асослари тўқ бўлган толалар учининг оқариши чиройли ранг-баранглик ҳосил қилиб бундай терилар юқори баҳоланади.агар жигар ранг, кул ва қўнғир ранглар оч тусга бўлса, оқарган учлари деярли кўзга ташланмай қолади.Бу жунларнинг асоси ҳечоғлик оч тусда бўлса оқарган учлари ўшанчалик даражада кам кўзга ташланади. Бунинг оқибатида ишлари ва совға нуқтаи назардан баҳоланганда оч сур ранг терилар, сур тери сифатида эмас, балки бир туслик рангдор терилар сифатида қабул қилинади. Бунақа оч сур кўзиларни жигар ранг кул ёки қўнғир ранг кўзилардан фарқ қилиш осон, чунки уларнинг қорин, оёқларининг ички томонидан нисбатан оч тусда бўлади, бундан ташқари боши, қулоғлари ва оёқларида қопловчи толаларнинг учи оқаринганлигини яққол кўринишимиз

мумкин. Товар шунослик нуктаи назардан тола асослари рангсизланган сур териларнинг бир туслик рангдор терилар билан бир хил қимматдаги мўйна маҳсулотдир, лекин зоотехник ишларида оч сурларни бир хил туслик рангдор кўзилар билан бир қаторда баҳолаш нотўғри бўлади.тола асослари оч тусдаги сур кўзилар жигар ранг ёки кўнғир ранг кўзиларга нисбатан анча қимматлидир, чунки уларни урчитиш давомида айниқса ранги кескин кўзга ташланувчи сур кўчқорлар билан жуфтланганда кўп миқдорда ҳақиқий сур кўзилар беради, бунга сабаб уларда ирсий факторнинг борлигидир.

Сурсимон рангнинг бир биридан фарқи жун толаси асосининг тусидир. Шу сабабдан ўз ирсий факторларига кўра оч тўқ тусдаги рангдорлик бир биридан фарқ қилгани каби , сур ва сурсимон кўйлар ҳам бир биридан фарқ қилади. Жигар кўнғир ва кул рангларнинг наслга берилиши ўрганилган эмас, бироқ айрим ўтказилган чатиштиришлар бу ранглар хайвонлар ўлчами , жун толалари ингичкалиги ва бошқа шу каби миқдорий белгилар сингари наслга берилишини кўрсатади. Белгилар пародасининг қарама қарши томонларга кескин ўзгариши масалан ўлчамининг ката ва майдалиги,жун толасининг ёғон ва ингичкалиги, рангининг оч ва тўқлиги, мазкур ҳолатда бирор бир белгининг у ёки бу томонга қараб ўзгаришига ҳар бири мустақил ҳолд абўш таъсир этувчи ирсий факторлар ўлчамига боғлиқдир. Собик “оқ қочиғай” ҳозирги галарин давлати наслчилик хўжалиги шу сабабли ҳам тола учларининг оқаришига деярли кўзга ташланмайдиган оч сурни бир туслик рангдан фарқ қилабилиш лозим тола асослари тўқ тусдаги ҳақиқий сур кўзилардан фарқлаш мақсадида бундай кўзиларни сурсимон кўзилардеб аташ тўғри бўлади. Тола асоси ранги оч тусдан тўқ тусга қараб равон ўзгариб боради. Шу сабабли ҳам сурранг билан сурсимон рангни аниқ чегаралаш қийин. Лекин тажрибали селиксионер кўзининг ёки терининг умумий кўринишига қараб, тола оқарган учининг узунлигини, тола асосидан оқарган учига ўтиши кескинлигини ҳамда тола учининг оқариш даражасини этиборга олган ҳолда кўзи ёки терининг сур ёки сурсимонлигини етарлича

аниқлаш мункин. Бундай ҳолатда мазкур терини товар қиматини, учи бир тусли рангдор терилардан чиройлироқ бўладиган ёки ёқлигини баҳолашга асос қилиб олиш лозим.

Шундай қилиб сур ранг билан сурлигига тўқ тило сур қўчқорларни турли тус жигарранг ҳамда тилло сур совлиқлар билан жуфтланганда, қўйларнинг туси қанчалик тўқ бўлса, қўзиларнинг туси ҳам унчалик ёқ бўлганлигини кўрдик.

1 – Жадвал.

Тўқ, малла сурсимон қўчқорларнинг сифати.

Совлиқларнинг ранги	Қўзиларнинг ранги		
	сурсимон	Тилла сур	Тўқ тилла сур
Оч жигарранг	15	4	2
Ўрта	10	22	11
Тўқ	1	6	31
Сурсимон	4	18	3
Тилла сур	1	21	14
Тўқ тилла сур	–	6	26

Турли тусдаги совлиқларни очроқ рангдаги тилласур қўчқорлар билан жуфтлашганда олинган қўзилар нисбатан анча оч рангда эди. Қўзилар орасида сурсимон рагдагилари кўпчиликти ташкил этиб, тўқ тилласур қўзилар эса асосан тўқ тусдаги совлиқлар наслидан пайдо бўлади.

Тилла сур қўчқорларнинг қўзилари сифати.

Совлиқларнинг ранги	Қўзиларнинг ранглари		
	сурсимон	Тилла сур	Тўқ тилла сур
Оч жигарранг	27	19	—
Ўрта жигар ранг	23	31	—
Тўқ жигар ранг	15	32	6
Сурсимон	22	12	1
Тилла сур	14	38	8
Тўқ тилла сур	3	17	9

Энг оч тусдан то тўқ тусгача ўзгариб узликсиз қаторнинг мавжудлиги ҳам бу белгининг миқдорий белгиларга ўхшашлигини кўрсатади.

2.4. Зот устида олиб борилган насилчилик ишларининг вазифалари.

Қорақўлчиликда насилчилик ишларининг вазифаси зотни мутаносил такомиллаштира боришидан қўйларнинг махсулдорлигини ошириш, биринчи нав ва енгил қора, сур ва бошқа ранглардаги ярим доира симон, кофирғасимон ва ясси қаламигул жингалакли қора қўл тери етиштиришни кўпайтиришдан иборат. Шу билан бир қаторда ўсиқ жунли тери миқдорини иложи борица камайтиришга жиддий этибор бериш керак. Насилдор қорақўлчиликда мустаҳкам конистутсияли, экстерерида нухсонлари бўлмаган, яшовчанлиги ва серпуштлиги юқори бўлган нормал ривожланган хайвонларни кўпайтиришга йўл қўйилади. Наслчилик ишлари энг яхши хайвонларни насил учун танлаб олиш ёмонларини пучак қилиш янги насилга мансуб барра сифатларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўчқорларни совлиқларга тегишли тарзда жуфлаштириш шунингдек пода

тўлдириладиган қўзиларни муносиб тарзда ўстириш ёли билан амалга оширилади. Бу ишда муофақиятга эришиш учун ҳайвонларнинг зот ичидаги турларни ҳамда барра типлари конистутсияси, жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда уларни йил бўйи яхши боқиш ва асраш шароитни вужудга келтириш керак. Қўйиган вазифаларга муофиқ барча қорақўлчилик хўжаликлари, насылчилик заводлари , насылчилик фермаларига, фермерхўжаликларига ҳамда муаян ранг, ранг-баранг ва барра группасига кирувчи қорақўл етиштириш бўйича ихтисослашган товар хўжаликларига бўлинади. Уларнинг ҳар бирида наслчилик ишларини белгиланган система асосида ва ишлаб чиқарилган перспектив режага муофиқ олиб борилди. Узоқ муддат олиб борилган селекция натижасида қорақўл қўйлар зотига риоялитиклигини , янги хил барра сифатларига эга бўлган ҳайвонлар ҳосил қилиш ва уларни зот ичида такомоллаштириш имкониятини таъминлайдиган структура вужудга келган. Ҳозирги босқичда қорақўл қўйлар зоти юксак маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Фанга саралаш методларини, прагрессив танлаш ишлаб чиқилган, ҳамда наслчилик ишлари системаларини қўллаш бу зотни энг қимматли зот гуруҳлари , завод типлари ва ҳар хил рангли қўйлар линиялари билан бойитишни таъминлайди.

2.5. Сур қорақўл қўйларини урчитиш.

Сур қорақўл қўйларини ҳеч қандай қийинчиликсиз урчитиш мумкин. Шу сабабли улар билан ҳам қорақўл қўйларга бўлгани каби одатдаги наслчилик ишлари олиб борилади. Қора рангдагига нисбатан сур рангига терининг бироз бошқачароқ сифатлари ҳам бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, рангининг ўзи тери сифатига таъсир қилмасдан қолади деб ишонч билан айтиш мумкин. Шу сабабли ҳам сур қўйларини урчитишни қора қорақўл қўйларини урчитишдан алоҳида олиб боориш лозим, акс ҳолда уларнинг ҳам , буларнинг ҳам ифлосланишига олиб келади.

“Рангдор қорақўл қўйларни маълум режа асосида урчитиш яна шунинг учун ҳам зарурки агар рангдор қўйлар ҳозирги вақтдагидек тартибсиз, пала-партиш урчилса, кўпгина оригинал ранглар , ранг-барангликлар умуман ё`қолиши , ёки кескин камайиши мумкин “ деб ёзади Б. Н. Васин (1968). У ўз фикрини давом эттириб “Натижада уларни қайта тиклаш учун узоқ йиллар ишлашга ё`ғри келади” деб таъкитлайди. Рангдор қорақўлнинг ғалати хиллари, асосан Ўзбекистонда мавжуд. Уларнинг айниқса қумуш ва тилла сурларини биргаликда урчитиш керак эмас. Бу рангларни насилга берилишини турлича бўлганлиги сабабли уларни биргаликда урчитиш натижасида кўплаб қора қўзилар туғилади. Тилла сур қўйлари селекциянинг асосий ё`налиши қуйдагича: жун толасининг асоси тўқ қамбар, қариб қора рангда ва 2-3мм узунликдаги учлари эса ярақлаган тилла рангда, бутун танаси бўйлаб аниқ қўзга ташланувчи нақшлар ҳосил қилувчи, ўрта ўлчамдаги бакуват қалами гулар ва қалами-ловиясимон, ялтироқ ва ипак симон. Гуллари тўлиғича жингалакланмаган, лекин 2/3 даражадан кам эма. (Б.Н.Васин,1990). Кўпгина тилла сур рангдаги қўйлар думбали қўйлардан келиб чиққанлиги эҳтимолдан узоқ эмаслигини ҳисобга олган ҳолда уларни анча дағал қилчикдан, йирик гуликдан, шишасимон ялтироқликдан ва қўпол кониститутсиясидан ҳалос қилиш мақсадида анашу хил камчиликлари ҳатто камгина бўлган қўчқорларнинг ҳам яроқсизга чиқариш орқали синчиковлик билан селекция олиб бориш лозим. Сур симон яни жун толаларининг асосликларни ҳам қамбар ва қўнғир ранг совлиқлар каби сур қўчқорлар билан чатиштириш лозим.

Шундай чатиштириш 50% гача сур қўзи беради. Агар тилла сур қўзиларни урчитиш эҳтиёжи туғилса, у ҳолда қора ранг совлиқлардан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин улар биринчи бўғинда фақат қора қўзилар беради фақат охиригиларни яна тилла сурранг қўчқорлар билан қочирганда сур қўзилар туғила бошлайди. Тилла сурнинг ўзини ўзи билан жуфтлашдан туғиладиган қўзиларнинг қарийб ҳаммаси (100%) тилласур рангида бўлади.

Кумуш сур қўйлар селекциясининг асосий ёналиши тилласур селекциясининг ёналишидан шу нарса билан фарқ қиладики, бундай жун толаларнинг асоси тўқ тутун рангда, учлари эса очтутун ёки оқ рангда бўлади. Кумуш сур рангидаги қорақўл қўйларини кумуш сур ранг қўчқорлар билан қораранг совлиқларни жуфтлаш орқали кўпайтириш мумкин. Бундан 50%гача анашу қимматли рангдаги қўзилар олинади.

Кумуш сур қўчқорларни кумушсур совлиқлар билан жуфлашнинг дастлабги пайтларида 25% гача қора қўзилар туғилиши мумкин, аммо тутун ранг бўйича гомозигот ҳайвонларни танлаш ёли билан 100% гача кумуш сур қўзилар туғилишига эришиш мумкин. (Б. Н. Васин, 1990). Юзасида босилган (ясси) қалами ва ловия симон гуллари бўлиб, ҳатто улар кўтарилган ялок майдончаларга қўшилиб кетувчи ёл гуллар билан аралаш ҳолда учраганда ҳам сур терилар чиройли бўлади. Аксинча, сатҳида халқа симон ва пармасимон гулларнинг мавжудлиги сўрт териларнинг сифатини кескин пасайтиради. Талабасининг асослари ўта тўқ ва ўртача тўқликда, оқарган учлари эса хийла узунликда бўлган тилла ва кумуш сурларни келтириб чиқариш бўйича алоҳида тажрбалар ўтказиш лозим. Кумуш сур рангида бурулликни мужамсамлаштириш (кумуш сур шерози) билан ҳам шуғуллатишни лозим. Бу иш унчалик мураккам эмас шерози совлиқларни кумуш сур қўчқорлар билан қочирилади. Биринчи бўғиннинг ўзидаёқ 25% гача анашу ажиб ранг-барангликдаги қўзиларни олиш мумкин. (Б. Н. Васин 1990).

Тилла ва кумуш сур қўчқорлар наслини 120-130 қўзининг сифатига қараб баҳолаш мумкин. Бунда асосий кўрсаткичлар қуйидагилар бўлиши мумкин. Элита ва 1-класс қўзиларнинг миқдори ҳамда сур ранги яхши ифодаланган (тола асоси тоқ рангда) қўзиларнинг миқдори. Бу кўрсаткичларнинг аниқ миқдорий ифодаларини бериш қийин, чунки бунақа ишлар сур қўйлари билан жуда ҳам кўп ўтказилган. Масалан собиқ “оқ қончиғай” давлат хўжалигида 1994-йилда 5 сур қўчқор (тилла ранг) насл сифатига қараб баҳоланди. Улардан бири наслида 3% элита ва 1- класс

қўзилар, 15%га яқин сур рангли яхши ифодаланган қўзилар берди, бу қўчқор яроқсиз деб топилди. Бошқаси мос равишда 20 ва 55% берди; қўчқор дурусгина яхшиловчи деб топилди; учинчи қўчқорларга бу кўрсаткичлар 10 ва 20% ни ташкил қилиб оддий қўчқор деб тан олинди; тўртинчиси 12 ва 50 % бўлиб, яхшиловчи деб топилди, наслида 25% 1- класс, 30% яхши сур қўзилар берган; бешинчи ҳам шартли тарзда яхшиловчи деб топилди. Чунки ундан олинган қўзилар сони етарли бўлмаганлиги учун қўшимча равишда ўтиши лозим эди барча қўчқорлар қамбар, сурсимон ва сур ранг қўйлардан ташкил топган, 90 %и 1- класс бўлган бир совлиқлар сурувида синовдан ўтказилди. (Б. Н. Васин 1990).

Сур қўчқорларни наслига қараб баҳолаганда қўшимча кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар хизмат қилиши мумкин. Йирик гулли қўзиларнинг миқдори (30% дан ошiq бўлгани маъқул) фақат салбий гуллари кўпчиликини ташкил қилган қўзиларнинг миқдори (15% дан ошiq болишига ёлқўйилмайди). Бироқ кўрсаткичларнинг бундай миқдорда бўлиши фақат ўрта сифат совлиқларга синалдагина қўл келади.

Сур қўйларни турли-туман ранг-барангликдаги бўлиши мазкур ранг қоракўл қўйлари орасида линиялар бўйича урчитиш бошланиши бўларок кўплаб жуда қимматли ва ажойиб линиялар тузилишига олиб келиши керак. Қўракўл зоти ўз замирида охиригача фойдаланилмаган ва ҳанузгача маълум бўлмаган турли-туман рангларни яшириб келмоқда. Гарчи ҳозирги кунда мўйна ишлаш саноатимиз қора терилардан “рангдор” қоракўл таёрлай олса ҳам барибир бунақа рангдор қоракўлнинг сифати ҳақиқий рангдор қоракўл терисининг сифати билан тенглаша олмайди.

Қоракўлчилик хўжаликларида қора ранг қоракўл қўйлари билан кенг қўламда олибборилаётган наслчилик ишлари шундоқ ҳам онда сонда пайдо боладиган жуда ҳам ажойиб рангларнинг камайиб кетишига олиб келмоқда. Шу сабабли кўпчиликка манзур бўлган ва қора қоракўл каби қадрланадиган қўк ранг, кумуш ва тилла сур ранг қўйлар билан наслчилик ишларини

ташкил қилиш зарур. Шунингдек , бошқа ранг қўйларни урчитиш бўйича ҳам кенг миқёсда изланишлар ва тажрибалар ўтказиш зарур, чунки бу ранглар айрим товар сифатлари билан маъқул тарзда мужассамланганда ўта чиройли терилар ҳосил қилиши мумкин. Ҳозирги вақтда қамбар, гулигаз, кумуш сур-шерози , кулранг шерози, оқ рангдаги қорақўллар онда сонда олиниб мутахасисларга нотаниш бўлиб келмоқда. Агар тезда маълум режа асосида уларни урчитиб, сифатини яхшилаш ишлари бошлаб юборилмаса ранг-барангларнинг кўпчилиги изсиз ё`қолиши мумкин. Анашу ё`л билан асралиш жараёнида шу ажойиб ранг-барангликдаги қорақўл қўйлари атрофлича органилиши ва лозим бўлган тақдирда эса айримлари кўпайтирилиши ҳам мумкин. Бироқ, вақтида эътибор берилмаганлиги оқибатида кўк қўйлар бош сонини қисқариб кетганидан, анашу нисбатан кенг тарқалган кўк рангини тиклашнинг қанчалик қийин бўлганлигини ёддан чиқармаслик керак.

Рангдор қорақўл қўйларни урчитиш селексионер учун ёқимли тасодуфларга ва ўта қизиқарли имкониятларга бой, серзавқ ишдир. (О.Б.Файзуллаев 2013). Рангдор қорақўл қўйлар билан селекция ишлари ўтказишучун зарур чора бу қорақўлчилик хўжаликларини ҳайвонлар ранги бўйича ихтисослаштиришдан иборатдир.

III. СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ СЕРМАХСУЛ ЗАВОД ТИПЛАРИНИ ЯРАТИШ.

МДХ мамлакатларида сур қоракўл қўйлар асосан Ўзбекистонда урчитилади. Давлатимиз МДХда таёрланадиган сур териларнинг 90% дан ортиғини беради. 1960-йилларда Ўзбекистон жамоа ва давлат хўжаликларида жами 34,2 минг дона сур тери таёрланади. Бу умумий таёрланган терининг оз қисмини ташкил этади. Сур териларнинг 85%и Бухоро вилоятида етиштирилади. Сур терлар Бухоро вилоятида етиштириладиган жами терининг 5%ни ташкил этади. Сур қўйлар “Қорақум” ва “Гагарин” номли насилчилик заводларида қоракўлчилик илмий текшириш иниситутининг “Оёқ оғитма” тажриба стансиясида соф ҳолда урчитилади. Келгусида бу қўйлар давлатимизнинг бошқа жамоа хўжаликларида кўплаб урчитилади. Ҳозирги вақтда давлатимиз жамоа ва давлат хўжалик ларидайилига ўртача 3,5-4 минг наслдор сўр қўчқорлар етиштириш имкониятига эгамиз. 1965 йилда бу хил қўчқорлар сони 5-6 минг бошга етказилади. (А.А. Рахимов , 1967) Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ Қозоғистон, Тожикистон, ва Туркменистон давлатларида етарли миқдорда сур қўчқорлар бермоқда. Энг юқори нав терилар етказиш ва наслдор сур қўчқорларни кўпроқ олиш учун соф зот сур қўчқорлар билан сур совлиқлар жуфтланади. (А.К. Ибрагимов, А.Жалминов 1987). Тилла сур қўчқорларни тилла сур совлиқлар билан ёки кумуш сур қўчқорларни шу хил совлиқлар билан жуфтлаш “гомоген” жуфтлаш деб аталади. Тилла сур қўчқордан кумуш сур совлиқлани қочиришга “гетероген” жуфтлаш дейилади. Аммо соф зот сур қоракўл қўчқорлардан соф зот қора совлиқларни қочиришни юқорида айтилган жуфтлаш усулларига киритиб бўлмайди.

Профессор таклиф этган “гетероген” жуфтлаш назариясини А.Ахмадшиев (2005) танқид қилган, бу тушунчага анчагина ўзгартириш киритилди, белгиларига қараб бир-биридан бутунлай ўзгача ёки қарама

карши бўлган соф зот эркак ва урғочи қўйларни жуфтлаш билан мақсадга эришиш мумкин, деган фикрни таклиф этгач бўлса, профессор С.Ю.Юсупов ва С.Б.Соттаровлар (2013) ўз тажрибаларида ва кўп илмий ишлари якунига асосланиб, бу назаряга ўзгартириш киритдилар, таклифига асосан майда гулли ниҳоятда нозик конистутсияли “қиррик” қўйларни ката гулли жуда кўпол “оқ гул” қўчқорлар билан жуфтлаш керак бўлса, қоракўлшунос олимлари бундай жуфтлашнинг нотўғри эканлигини исботладилар. “гетероген “жуфтлашни қўллашда “жуда нозик”ни “оқ гули” билан эмас, балки малла гултоб мустаҳкам конистутсияли қўчқорларни оқ гул қўйларга ёки ката гултоб мустаҳкам конистутсияли қўчқорларни майда гул нозик, ёки жуда нозик қўйлар билан жуфтлаш афзал эканлигини исботлаб бердилар. (Т.Умрзаков 2000). Сур қоракўл қўчқорлар билан қора қоракўл совлиқларни жуфтлашда ўртача белги олиш эмас, балки булар авлодлари наслига сур белгисини ўтказиш ва уни мустаҳкамлаш ёли билан қора рангни “сиқиб чиқариш” кўзга тутилди. Бошқача қилиб айтганда қўчқорлар сур ранг белгисини қора совлиқлар орқали қўзиларни қонига бир неча бор қайта қайта ўтказиш ёли билан сур териларни кўпроқ олиш учун курашилади. Н. С. Гигинейимвили бу усулни “қон сингдириш” усули деб аташни ҳам ўринсиз топилди “қон сингдириш” бир юқори маҳсулотни ва маҳсулот сифатидан бутунлай бошқача бўлган зот қонини маҳаллий кам маҳсулотли зотга сингдириш ёли билан янги зот ҳосил қилишга қўлланилади. Сурни қора билан қўшиб, авлодларини сурга айлантириш биргина қоракўл зотига хос ҳайвонлар ичида ўтказилгани учун бу усулни “қон сингдириш “ деб айтиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Шунинг учун сурни қорага қўшиб жуфтлаш билан авлодлари рангини сурга айлантиришни Н.С. Гигинешвили сиқиб чиқариб қўйиш усули деб аташни мақул топди. Ҳақиқатдан сур қўчқорлар билан қора совлуқларни, ёки сур қўчқорлар билан кўк совлуқларни жуфтлаш ёли билан янги янги сур ва бошқа рангли қўзиларни кўпроқ олишни “сиқиб чиқарувчи жуфтлаш” деб аташ тўғри фикрдир. Соф зотли сур қўйларни

урчитишда рангидан бир хил ва ҳар хил жуфтлаш усулларида ташқари, “сиқиб чиқарувчи жуфтлаш” усули ҳам кенг кўламда қўлланилади.

3.1. Рангдор бир хил белгисига қараб жуфтлаш билан сур қўзилар олиш.

Бухоро вилоятининг сверделов тумани (собик жамоа хўжаликларида Р. И. Григороянц ва В. С. Жиякова сур қўйларни урчитиш усули устида илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Наслчилик ишининг бошланғич даврида совлуқларнинг бир хил белгисига қараб урчитишда сур қўзилар бериш хусусиятлари жиҳатидан танланди. Тажриба учун ажратилган 212 бош кумуш сур совлиқлар сур қўчқорлар билан жуфтлашганда фақат 68% қўй сур қўзи берган. Кумуш сур ранг совлуқларни шундай ранг қўчқорлар билан жуфтлаш натижасида мустаҳкам конститутсияли кумуш сур қўзилар берган совлуқлар танлаб ажратилади. Жуни тагининг тўқ ранг устининг кумуш сур бўлишига қараб селекция ишлари юритилади. Талабга мувофиқ қўйлар қуйидаги белгиларига қараб ажратилади. Қўзилар жунининг таг қисми тўқ қора, ёки тўқ жигар ранг бўлиши ва учи бирдек текис кумуш ранг бўлишига шунингдек кумуш сур рангининг таг рангидан ката фарқ қилиши жун бўйининг 1/3 ёки 1/2 қисмини етиши мақсадга мувофиқ. Жун учларининг кумуш, оч кул ранг, оч сариқ бўлиши яхшидир. Сур белгиси тўлиқ ва терининг ҳамма қисмига текис тарқалган бўлиши лозим. Терининг сатҳи ярим доира ўртача жингалаклашган, ўрта ва катта қалами донагуллар билан қопланган бўлиши талаб қилинади. Жуни қалин, ипаксимон, ялтироқ гулларнинг бақувватлиги яхши ва ўртача бўлиши лозим эди. Қўзилар конститутсияси мустаҳкам қуруқ ва улар жуссаси яхши тараққий этган. Қўзилар 15-20 кунлигида сур белгисини ва ялтироғини ипаксимонлиги ва гуллари жингалаклигини яхши сақлаган бўлиши талаб қилинди. Вояга етган совлиқлар бир хил белгисига қараб урчитишда фақат сур қўзилар бериши лозим. Дастлабки икки туғимда кумуш сур қўчқордан қочирилган кумуш сур совлиқлар шу хил рангли қўзилар бермаган тақдирда маскур рангдаги совлиқлар яроқсиз қилинди ва

наслдор қўй подасидан чиқарилди. Наслдор қўчқорлардан совлиқларни қочириш гурухлар бўйича ўтказилди. Совлиқлар қўзилик вақтида жунинг таги қорамтир,ўртава оч рангларга бўлинади. Кейинчалик жунининг таг қисми қорамтир ва ўртача кумуш сур қўчқорлардан сунъий усулда қочиришди. (Р.И. Грегоряни 1960). Ҳар бош наслдор қўчқорлардан олинган қўзилар якка бонетерофка қилинди. Сур тери сатҳида текис ва юқори класс сур қўзилар микдорига қараб қўчқор баҳоланди. Наслчилик ишларининг иккинчи даврида бир хил сур белгисига қараб урчитишни қўллаш билан тусининг гўзаллиги ва текислигини тامينлаш учун курашилди. Жуннинг устки қисминг пигментланиш даражаси турлича бўлиши туфайли сур қўзилар ранги хан бир хил бўлади. Бухоро сур қўйларининг ранги қандай бўлишидан қатъий назар, жун таги қўзи вақтида қора ёки қорамтир бўлган сур қўчқорлар билан жуфтлаш мақсадга мувофиқдир. Бу хил жуфтлашда юқори сифатли сур қўзилар кўп олинади. Жунининг таги ўртача пигментлашган қўчқорларни қўзи вақтида жунининг таги қора ёки ўртача пигментлашган совлиқлар билан жуфтлаш мумкин,аммо бўш пигментлашган совлиқлар билан бу хил қўчқорлар жуфтланиши яхши натижа бермайди. Қўзилар сур рангининг текислиги ва унинг танасига тарқалиши даражасига қараб 3- гуруҳга ажратилади. (В.С.Желякова, 1981). Тери сатҳининг 80-100% сур бўлса 1-гуруҳга, 50-60% сур бўлса 2-гуруҳ, 50%ва ундан камроқ сур бўлса 3-гуруҳга киритилади. Наслчилик ишининг дастлабки даврида сур белгиси маносининг ҳамма қисмига 100% текис тарқалган қўзилар фақат 46.8% бўлса, наслчилик ишининг сўнги йилларида бу хил қўзилар 74.4% га кўтарилди. Бундай натижаларга эришиш учун жуфтлаш ишида кумуш сур белгиси тананинг ҳамма қисмига текис тарқалган наслдор қўчқорлар кучидан кенг фойдаланилди.Юқори сифатли сур қўзиларни кўп берадиган совлиқлар йилдан йилга кўпайтирилди, энг язши наслдор қўчқорлардан суний йўл билан қочирилди. (В.С Желякова 1981). Селексия ишларини тўғри йўлга қўйиш натижасида кумуш сур қўзилар олиш фоизи оширилди. Сур қўзилар

жунинг учи қанча оч, таги қора бўлса, сур белгиси жунга яхши ифодаланган ва чиройли бўлади. Сур белгисининг жун узунлиги бўйича тарқалиши ва унинг оч ёки тўқ пигментланиши бир томондан наслдорлик хусусияти бўлса 2 томондан боқиш шароитига ҳам боғлиқдир (А.И.Исмоилов 1989). Масалан сур белгисининг жун узунлиги бўйича тарқалиш даражаси боқиш шароити ёмон бўлган йиллари $\frac{1}{4}$, яхши бўлган йиллари эса кўпинча $\frac{1}{3}$ ва $\frac{1}{2}$ бўлиши исботланган. 1950-1951 йилларда қиш жуда совуқ бўлган, қишга таёрланган озуқа етишмаган, ўтлоқларда боқиш шароити оғир бўлганлиги туфайли 1951-йилда олинган кўзилар жунининг даражаси 61.6% бўлган шароит ҳар томонлама яхши бўлган. 1952-1953 йилларда сур даражаси жун узунлигининг $\frac{1}{3}$ ва $\frac{1}{2}$ қисмини ташкил қилган. Яни 35.4-45.2%га етган. Сур даражасининг қандай бўлишига бўғозлигининг 2-даврида озик шароит кучли тасир этади. Бу даврда яхши боқилганда сур даражасигина эмас, бу белгининг кўзи танасига текис тарқалиш даражасу жихатидан ҳам аъло сифатли кўзилар беради.

3.2. Сур қўйларининг завод тип.

Бухоро вилоятидаги сур рангдаги завод тип қорақўлчилик таянч пунктига қарашли “Ўзбекистон” Навоий номидаги “Сарибел” жамоа хўжаликларда қорақўлча чорвадорлар, мутахасислар ва Р.И.Григорян, В.С.Желякова ва шу каби олимлар билан биргаликда узоқ йиллар давомида ўзларининг фидокорона меҳнати натижасида сур қўйларининг Свердлов завод типини вужудга келтирдилар. Наслдор қўйлар подаси ичида бир хил белгисига қараб уруғлантириш яхши йўлга қўйилиши туфайли сўнги йилларда бу жамоа хўжаликларда сур терилар етиштириш 90-95% га етди. 1-нав сур терилар наслдор сур қўйларидан 79-81%гача олинмоқда сур кўчқорлар билан сур совлиқларни соф зойли тоза ҳолда урчитиш натижасида сур қўйлар сони таянч згтле жамоа хўжаликларда 44% га етказилди, булар ичида элитра ва 1-класс сур қўлар сони 33% ташкил этди. 1961-йил Свердлов

заводида 1- нав терилар “комунизм” жамоа хўжалигида 85.3%, Ўзбекистон” жамоа хўжалигида 83.5% “Навоий” номидаги жамоа хўжалигида 73.1% сур терилар таёрланган. Кумуш сур терилар “Навоий” номидаги жамоа хўжалигида 60.8% гача “комунизм” жамоа хўжалигида 40% гача тилла сур терилар шу хўжаликда 39% ва “лелингирад” жамоа хўжалигида 100%га етказилган. “Навоий” номидаги жамоа хўжалигиларининг сур қўқлар подаси жуда юқори сифатлидир. Териларнинг сур ранги текис, туси терининг ҳамма қисмига бир хилдир. “Навоий” номидаги ва “Ўзбекистон” жамоа хўжалигларининг наслдор қўйлари ўзига хос юқори сифатли завод типига эгадир. Сур қўйлариининг бу подаси ярим дойирали, чиройли қалами гулдир. Ялпоқ қалами гули, ипаксимон ва ялтироғи яхши териларнинг кўплиги бу завод типининг қимматини янада ҳам оширади. Бу қўйлар вояга етганда конистутсияси мустаҳкам. Жунининг ранги оқ ва оч бўлади, аммо гиламбоп ҳисобланади. Мазкур қўйлар ўз қимматли балгиларини наслдан-наслга мунтазам ўтказадиган хусусиятга ҳам эгадир. Бундай қўйларнинг сони 20 минг бошдан ортиқ.

3.3. Тилла сур қўйларнинг навоий завод тип.

Бу жамоа хўжаликнинг сур қўйлари жуда ажойиб тилла сур қўзилар беради. Тилла сурнинг гўзаллиги, кучли ялтироқлиги ва жуннинг ипаксимонлиги, шунингдек жун таг қисмининг кучли даражада пигментлашганлиги унинг қимматини янада оширади. Бу қўйлар вояга етганда мустаҳкам конистутсияли, бош оёқ ва қорнида жуни яхши ўсган (26см гача) бўлади. Жун асосан оқ ва гиламбопдир. Қўйнинг сур ранги наслдан наслга яхши ўтади. Бу қўйлар подаси Навоий номли завод типигаги “тилла сур” деб аталади. Бундай завод типига хос қўйларнинг умумий сони 6минг бошга яқиндир. Буларнинг 2700 таси соф зотли тилла сур қўйлардир. Элита ва 1- класс совлиқлар 60%дан ортиқдир. Ота онаси сур амма ўзи қора қўйлар 40% га яқиндир. Жамоа хўжалигида соф зот юқори сифатли тилла сур

ва кумуш сур кўзилар берадиган кўчқорлар 400 бошга етади. Свердлов таянч пунктига қарашли Киров номидаги ва ленинград жамоа хўжаликларининг сур кўйлари “Навоий” номидаги жамоа хўжалигиларининг сур кўйларига қараганда маҳсулот сифати жиҳатидан жудт

3.4. Рангидан ҳар хил белгиларга қараб жуфтлаш билан сур кўзилар олиш.

Ўзбекистон илмий текшириш институтининг Бухоро вилоятидаги “Оёк оғитма” тажриба стансиясида сур терилар етиштиришни шу муддатда кенг ривожлантириш мақсадида 1948-йилдан бошлаб сур кўчқорлар билан қора қоракўл совлуқларни жуфтлаш натижасида сур кўзилар олиш ёли илмий асосда ўрганила бошланди. Хўжаликдаги барча қоракўл терилар соф зот қора совлиқлардан иборат эди. Сур кўчқорлар бошқа хўжаликдан келтирилди. Келтирилган сур кўчқорлар билан қора совлиқлар жуфтланди, олинган кўзиларнинг ҳар бири алоҳида баҳоланади. Сур кўчқорлар билан соф зот қора совлиқларни жуфтлаш натижасида яқин йиллар ичида хўжаликда рангидан ҳар хил, яъни сурсимон ва қора совлиқлар тўдалари барпо этилди. Шу тариқа рангидан ҳар хил (гетероген) белгиларига қараб жуфтлаш натижасига нқараб олинган эркак кўзилар тери учун сўйилади. Олинган совлиқларнинг келиб чиқиши қуйидагилардир; қора совлиқлар ота оналари аввалдан қора; биринчи бўғин қора совлуқлар, оналари азалдан қора, оталари сур кўчқорлар; иккинчи бўғин қора совлиқлар оналари биринчи бўғин қора, оталари сур кўчқорлар, сур совлиқлар тўдаларига хос қойлардан иборат эди. Қора соф зот ота оналаридан олинган қора совлиқлар сур кўчқорлар билан жуфтланганда биринчи бўғин қора кўзилар 92.5% , сур кўзилар 4.1% ва рангдор пас баҳоли (камбар) кўзилар 3.4% олинди. Ота оналари соф зот қора совлиқлар хўжаликнинг ўзида етиштирилган сур кўчқорлар билан жуфтланганда, биринчибўғин кўзилар 92.4% қора 7.6% сур бўлади, рангдор кўзилар бирорта ҳам олинмайди. Биринчи бўғин қора совлиқлар жамоа хўжалик

қўчқорларидан олинган иккинчи бўғин сур қўчқорлар билан жуфтланганда қора қўзилар 67.1% стансия ўзида етиштирилган шу каби сур қўчқорлар билан жуфтланганда қора қўзилар 69.9% олинган. Иккинчи бўғин жамоа хўжаликларидан келтирилган сур қўчқорлардан олинган сур қўзилар 28.7%ни ташкил этса стансия қўчқорларидан 30,91% олинган. Жамоа хўжаликларида рангдор қамбар, қўзилар 4.2% бўлса стансия ўзида ўстирилган қўчқорлардан бу хил қўзилар туғилмайди.

Қора рангни сиқиб чиқариш мақсадида ўтказилган жуфтлаш натижасида олинган иккинчи бўғин совлиқлар сур қўчқорлар билан қочирилганда қора қўзилар туғими камайди. Бу кўрсаткич жамоа хўжаликлардан келтирилган сур қўчқорларда 41.5%ни стансия ўзига етиштирилган сур қўчқорларда эса 39.6% ни ташкил этди. Стансияда етиштирилган сур қўчқорлар билан жуфтланган иккинчи бўғин совлиқлардан учунчи бўғин сур қўзилар 60.4%жамоа хўжаликлардан келтирилган сур қўчқорлар эса 58.1%олинди. Учунчи бўғин қўзилар ичида қамбар қўзилар фақат 0.4%ни ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси жамоа хўжаликлардан келтирилган сур қўчқорлардангина олинди. Соф зот “сиқиб чиқариш” мақсадида жуфтлаш усулини кенг қолланиш натижасида стансия қорақўл қўйлари подаси сафида сур қўйлар сони анча кўпайни. Натижада сур қўйларни сур қўчқорлар билан яъни бир хил белгисига қараб жуфтлаш ишлари ҳам анча кенгайтирилди. Қора рангни сиқиб чиқарган сур қўйларни шу каби сур қўчқорлар билан жуфтлаш натижасида сур қўзилар олиш фоизи яна ҳам оширилди. Жамоа хўжаликлардан келтирилган сур қўчқорлардан сур қўзилар олинishi 86.6%бўлса , ўз хўжалигида “сиқиб чиқариш” усули билан жуфтлаш усулини қўллаш натижасида сур қўчлар 93.4% сур қўзи олинди. “Сиқиб чиқариш” усули мақсадида жуфтлаш натижасида сур қўчқорлар шу каби сур совлиқлар билан , яъни бир хил белгисига қараб урчитиш натижасида соф зот сур териси чиройли қўзиларни кўп олиш имконияти пайдо бўлади. Сур қўйлар подасидан фойдаланиладиган наслдор сур

кўчқорлар оналарининг келиб чиқишига қараб , жуфт гуруҳга бўлинади; 1. Бухоро вилояти ғиждувон ва свердлов туманлари жамоа хўжаликларидан келтирилган “жамоа хўжаликлар” сур кўчқорлари; 2. Ҳар хил белгиларига қараб соф зот урчитиш натижасида, яъни сур кўчқорлар билан қора совлиқларни жуфтлаш туфайли олинган “биринчи бўғин” сур кўчқорлар ; 3. станциясида туғилган, аммо отаси сур ва онаси биринчи бўғин қора, яъни “сиқиб чиқариш” мақсадида жуфтлаш натижасида олинган иккинчи бўғин сур кўчқорлар; 4. сур ота онадан туғилган (станцияда) ва буларни бир хил белгисига қараб жуфтлаш натижасида олинган сур кўчқорлар.

3-жадвал

Келиб чиқиши ҳар хил бўлган ота оналардан олинган сур кўчқорлар ва совлиқларнинг сур қўзилар бериш фоизи (М.Эгамқулов).

Сур кўчқорларнинг келиб чиқиши ва олинган жойига қараб бўлиниши	Совлиқларнинг келиб чиқиши			
	Қора ота оналардан олинган қора совлиқлар.	1-Бўғин қора совлиқлар	2-Бўғин қора совлиқлар	Сур қўйлар
Жамоа хўжаликларидан олинган.	4.2	27.1	52.4	80.4
Оёқ оғитма тажриба станциясидан олинган 1-бўғин сур кўчқорлар	5.3	27.8	50.8	85.0
2-бўғин сур кўчқорлар	5.9	27.6	52.4	86.3
Бир хил сур белгишига қараб жуфтлаш натижасида олинган сур кўчқорлар	6.4	29.2	54.2	95.4

Келиб чиқиши жиҳатдан бир хил бўлмаган сур кўчқорларни насл сифатига кўра яхши баҳолаш лозим эди. Бу шу туфайли амалга оширилиши

туфайли сур қўзиларни кўпроқ олиш учун қайси гуруҳдаги сур қўчқорлардан кўп фойдаланиш лозимлиги аниқланди. Юқорида кўрсатилган сур қўчқорлар гуруҳларини насл сифати жиҳатидан текшириш яқунлари 3- жадвалдагидек бўлиб чиқди. 3-жадвалдан маълумки, биринчи бўғин қўчқорлар ота оналари қора бўлган, қора совлиқлар жуфтлаганда сур қўзиларни 5.3%берса, биринчи бўғин совлиқлардан 27.8%, иккинчи бўғин совлиқлардан 50.8% ва сур қўйлардан эса 85% сур олинган.

Келиб чиқиши ҳар хил бўлган сур қўчқорлар фақат сур қўзилар бериши миқдори жиҳатидан эмас, балки берган қўзилари класслари жиҳатдан ҳам анчагина фарқ қиладилар. Буни 4-жадвалдан кўриш мумкин.

4-жадвал

**Келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил ота оналардан олинган элита ва
I- класс сур қўзилар, фоиз ҳисобида. (М.Эгамқулов)**

Сур қўчқорларнинг келиб чиқиши ва олинган жойига қарабтўдаларгабўлиниши	Совлиқларнинг келиб чиқиши			
	Қора ота оналардан олинган қора совлиқлар	1- Бўғин қора совлиқлар	2- Бўғин қора совлиқлар	Сур қўйлар
Жамоа хўжаликларидан келтирилган сур қўчқорлар	16.6	19.5	23.2	26.5
Оёқ оғитма тажриба стансиясидан олинган 1-бўғин сур қўчқорлар	11.1	20.3	20.7	23.5
2-бўғин сур қўчқорлар	20.0	27.2	30.9	35.7
Бир хил сур белгишига қараб жуфтлаш натижасида олинган сур қўчқорлар	30.0	28.6	26.8	28.7

Биринчи бўғин сур қўчқорлардан қочирилган соф зот қора совлиқлар 11.1%, 1-класс сур қўзи берди, биринчи бўғин совлиқлари эса 20.3% га етди.

Соф зот сур қўчқорлар билан қочирилганда биринчи бўғин қора совлиқлардан олинган қўзиларнинг 30% 1- класс болди.

3.5. Келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил совлиқларни бир хил ва турли белгиларига қараб жуфтлашда сур қўзилар олиш.

Келиб чиқиши жиҳатдан ҳар хил тўдаларга оид совлиқларни сур қўзилар бериши турличадир сур қўзиларнинг кўп туғилиши она қўйларнинг келиб чиқишига чамбарчас боғлиқдир. (5-жадвал).

5-Жадвал.

Совлиқларнинг келиб чиқишига қараб сур қўзилар бериш фоизи (М.Эгамқулов. Р.И. Григорянцдан ва В. С. Жияковалардан)

Келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган совлиқлар тўдалари	Жами олинган қўзилар	Шу жумладан ҳар хил рангли қўзилар		
		қора	сур	Қамбар
Қора ота оналардан олинган қора совлиқлар	1200	92.5	5.0	2.5
1-бўғин қора совлиқлар	1234	69.3	29.7	1.0
2-бўғин қора совлиқлар	571	40.0	59.5	0.5
Сур қўйлар	570	8.5	91.4	0.1

“Сиқиб чиқариш” мақсадида жуфтлаш даражасини , яъни она қўйлар бўғинларининг ортиши билан сур қўзилар олиш ҳам кўпаяди, қора ва қамбар қўзилар тобора камаяди. Сур қўзилар сонини тез фурсат ичида кўпайтириш ва сур териларни кўпроқ етиштириш ишларини режалаштиришда бу кўрсаткичларнинг аҳамияти каттадир.

Наслчилик ишларини юритиш учун келтирилган далиллар етарли эмас, албатта.Биринчи бўғин қора совлиқлар ичида иккитадан , учта ваҳатто

тўртагача сур кўзилар берганлари камемас. Дастлабки 3 ва4- туғимларда бирорта сур кўзи бермаган совлиқлар ҳам биринчи бўғин кўйлар ичида кўп учрайди.Биринчи бўғин қора совлиқлар ичида фақат сур кўзилар туғадиганлари 8-10%ни ташкил уешиб булар насл сифати жиҳатидан энг қимматли ҳисобланади. Иккинчи бўғин қора совлиқлар ичида қаторасига 3 туғишда сур кўзи берганлари 41.2%ни ташкил этган. Сур совлиқлар ичида қаторасига фақат сур кўзи туғадиганлари 86 .90 % учрайди.Сур совлиқлардан фақат қора кўзи туғилиши 3-4%дан ошмайди.Сур совлиқлар бу белгисини биринчи ва иккинчи бўғин совлиқларга нисбатан кўзилар жуда яхши ўтказа олади, бу кўрсаткич соф зот сур совлиқларининг энг яхши қимматли насл хусисиятидир.Келиб чиқиши ҳар хил бўлган ва кўчқорларнижуфтлаш хили натижалар берди. Буни 6-жадвалдан кўриш мумкин.

6-Жадвал

Келиб чиқиши ҳар хил болган совлиқлар тўдаларидан элита ва 1-класс сур кўзилар олиш фоизи (М.Эгамқулов маълумоти)

Келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган она кўйлар тўдалари	Элита	Элита ва 1- класс	2-класс	3-Класс	Жами олинган кўзилар
Қора ота оналардан олинган қора совлиқлар	—	13.5	78.4	8.1	37
1-бўғин қора совлиқлар	4.1	28.3	61.5	10.2	363
2-бўғин қора совлиқлар	1.8	32.6	58.4	9.0	355
Сур кўйлар	6.1	33.6	56.0	10.4	527

Ота онаси қора бўлган қора кўйкарга нисбатан элита ва 1-класс кўзилар бериш фоизи сур совлиқларда 20.1% ошди ва 2-класс кўзилар сони эса 22.4%

камайди. Наслчилик ишларини анашундай кўрсатиш юритиш натижасида Оёқ оғитма тажриба стансиясида 90% дан ортиқ сур қўйларнинг “Қизилқум” завод типни барпо этилди.

3.6. Сур қўйларнинг “қизилқум” завод типни.

“Қизилқум” завод типига хос сур қўйларни келтириб чиқариш учун Бухоро вилоятидаги Оёқ оғитма тажриба стансиясининг коллективи узок йиллар давомида фидокорона меҳнат қилдилар. Шу стансиянинг тажрибали қоракўлчилардан зоотехник М. Қизтуқонов счўпонлардан А. Қолмаханов, С. Қолмаханов, олимлардан Р. И. Григорянсдан ва В. С. Жиликова самарали меҳнат қилдилар. “Қизилқум” завод типни сур қўйларни чиқаришда юқорида айтганидек “сиқиб чиқариш” усули билан жуфтлаш кенг қўлланилди. Қора қоракўл қўйларига сур қўчқорлар қонини 2- бўғингача ўтказиш ва наслчилик ишини чуқур юритиш йўли билан сур қўйларининг “Қизилқум” завод типни келтириб чиқарилди. Бу қўйларнинг умумий сони 5 минга яқин, жумладан совлиқ қўйлар сони 3 минг бошдан ортиқ, наслдор қўчқорлар 500 бошга яқиндир. Сур қўчқорлардан олинган қора совлиқлар тўқлилар 500 бошдан ошади. Бу қўйлар насл хусусиятини ўз авлодларига яхши ўтказиш, шунинг учун йилдан йилга такомиллаштирилмоқда. Стансия хўжалиги юқори сифатли сур терилар беради. Масалан, 1959 йилда 1-нав сур ерилари 90,3%, 1960 йилда 93,4%, 1961 йилда 92,1%, 1962 йилда 90,3%, таёрланди. Мазкур териларнинг тери сатҳида текис ипаксимонлиги яхши ва ялтироқлиги нормалдир суйр қўчқордир совлиқлардан ва сур қўчқор ва қора совлиқдан олинган қора терилархам сифати жихатдан луда яхшидир. “Қизилқум” завод типига хос сур қўйларнинг туси: кумуш сур 46.2% , тилла сур 25.2%, ва сирен тус 21.7%, дир. сирен тус янги сур жуда хам ахамиятлидир. Сирен тусли сурнинг жуни узунлик буйича 3 хил ост қисми тўқ жигар ранг уч қисми оч жигаррангдир. Бундай ҳолат тери рангини

сирендек кўрсатади ва унинг гўзаллигини очади. Сур териларнинг сирен туси кумиш ва тилла сурб териларнинг махсус хилидир.

Бир хил ва хар хил саралаб жуфтлаштирилганда Қизилқум завод типига мансуб булган хар хил нақшли сур ранг наслдан-наслга ўтишини ўрганиш мақсадида оёқ оғитма тажриба стансиясида қуйидаги тажриба ўтказилди : 1-классга мансуб бўлган ўртача , йирик жингалакли ва ортача ишлаб чиқариш ёшдаги, кумуш ранг сур (кс), тилла ранг сур (тс) нақшли совлиқлар кумуш ранг сур, тилла ранг сур ва қорақалпоқ сур (ккс) кўчқорлар билан жуфтлаштирилди. Олинган маълумот шуни кўрсатдики, кумуш ранг совлиқлар билан, тилла ранг кўчқорлар, тилла ранг совлиқлар билан бир хилда саралаб (гомоген) жуфтлаштиришда олинадиган наслнинг $\frac{3}{4}$ қисми кумуш ранг сур ва тилла ранг бўлиб чиқишига олиб келади, қўзиларнинг $\frac{1}{4}$ қисмига эса ота онанинг ранги ўтган бўлиб томонига янги олмос, бронза-тилла ранг ва бошқа хил нақшларга эга бўлиб чиқди. Бу эса ота она хайвонлар гетерозигота эканлигидан ва отар Бухоро суридан мазкур нақшлар бўйича ҳам тўла барқарор ҳолатга келмаганлигидан далолат беради. Кўчқорлар билан совлиқларни нақшлари бўйича гомоген жуфтлаштириш натижасида олинган сур қўзиларда жуннинг асосидаги қора рангдан 3 қисмдаги оқиш рангга ўтиш контрастлиги кучи эканлиги қайд қилинди. Жуннинг оқиш рангдаги учига қараб қоракўл териларининг кумуш ёки тилла ранг сурига мансублигини дарҳол аниқлаш мумкин. Гомоген жуфтлаштириш сур нақшларини такомиллаштириш учун зарурдир. Кс х кс тарзда гомоген жуфтлаштириш йўли билан олинган кумуш ранг сур қўзилар орасида баъзан олмос деб аталувчи ноёб нақшлар ҳам учраб туради. Бундай териларда жуннинг асоси тимқора бўлиб, 3 қисми кескин равишда олмоссимон ялтироқ рангга ўтади. Тс х Тс тарзда жуфтлаштиришда эса олинган янги бўғин орасида тилла ранг бронза сур нақшли қўзилар ҳам пайдо бўлади. Улар жунининг асоси тим қора бўлиб, учроғига борганда бирданига тилла ранг тусга ўтади.

Сур қўчқор ва совлиқлар нақш бўйича гетероген жуфтлаштирилганда (нақш бўйича гетероген жуфтлаштириш $K_c \times T_c$ ва $T_c \times K_c$) олинган наслнинг 1/3 қисми отасининг нақшига эга бўлади. Шу билан 1 қаторда анчагина миқдорда мутлоқо янги хил (гомоген жуфтлаштиришга учрамайдиган) нақшларга эга бўлган қўзилар ҳам пайдо бўлади. Кумуш ёки тилларнинг сур тоифасига киритилган қўзилар жуни учининг ранги аниқ ифодааланмаган эди. Сур қўйлари нақши бўйича гетероген жуфтлаштириш нақшларнинг янада ажиралишига олиб келади.

Қорақалпоқ сурига мансуб болган “шамчирокгул” қўчқорларни кумуш ранг сур ва тилла ранг сур совлиқлар билан жуфтлаштириш сур қўйларининг бу ички типи ўзаро мос келмаслигини кўрсатди бунда олинган қўзилар тимқора рангда ва йирик ривожланган бўлиб туғилди, кейинчалик жуда тез ўсди ва ривожланди. Бу ҳолат уларнинг табиати ва келиб чиқиши тамомила хархил эканлигидан далолат беради. Сур қўйларининг нақшлари бўйича гомоген жуфтлаштириш нақш типининг такомилланишига жун учининг ранги яъни асосидаги қора рангининг учроғига бориб бирданига оқиш ранга ўтиш даражаси кучайишига, терининг бутин юзасида сур рангининг бир текис бўлиши ва ваҳо казоларга олиб келади.

Гетероген жуфтлаштириш эса янги хил нақшлар пайдо бўлишига олиб келади (янги наслнинг 2/3 қисмидан кўпроғда) бу усулдан янги хил нақшлар хосил қилишда яхши фойдаланиш мумкин. Бу усулдан селексионерларимиз моҳирона фойдаланиб, сур қўйларининг турли ранг баранглигини яратишмоқда.

3.7. Сур қўйларининг “Қорақум” кумуш сур завод тип.

Кумуш сур қўйларнинг “Қорақум” завод типини келтириб чиқариш иши 1947-йилда бошланди. Бу завод типини келтириб чиқариш соҳасида Қорақум наслчилиқ заводининг атоқли тажрибали чўпонлари А. Аллаёров, М. Тоғаев, селекциячи зоотехник А.Сергева, Б.Атақурбонов, чўпон Х.

Дўсматов, илмий ходим М, И, Котов, академик В. М. Юдин раҳбарлигида самарали меҳнат қилдилар “Қорақум” завод типни кумуш сур қўйлар сур қўчқорлар билан қора совлиқларни “сиқиб чиқариш” усули билан жуфтлашни қўллаш натижасида рўёбга чиқарилди. Хўжаликда бу қўйлар сони 6 минг бошдан ортиқ, шундан она қўйлар ва тусоқлар сони 4минг, наслдор қўчқорлар 600 бошга яқин эди. 30% дан ортиқ сур қўзилар берадиган сур симон қора совлиқлар сони 100минг бошдан ортиқ эди. Бу қўйларнинг сур тери сифати юқоридир. Мазкур хўжалик 1958-йилда биринчи нав сур териларни 91.5%, 1959-йилда 82.4%, 1960-йилда 84%, 1961-йилда 85.1% ва 1962-йилда 91.7% таёрлади. Сур қўчқорлар билан қора совлиқларни жуфтлаш натижасида олинган қора терилар сифати ҳам юқори сифатлидир. Хўжаликдаги 538 дона терининг ҳаммаси кумуш сурдан иборат эди. Қўйларнинг кумуш сур белгиси наслдан-наслга яхши ўтар экан. “Қорақум” наслчилик заводида 1962-йилда таёрланган сур териларнинг 26.1%и тилла ранг сур 42.3%и кумуш сур, 17.9% қора сур ва 4.1%и бронза тусли терилар эди. Кумуш сур териларнинг кумуш сур туси тери сатҳида бир хил текис жойлашгансер қалам ва дона гулли, ялтироқлиги аъло даражада, ипаксимонлиги ҳам яхшидир.

В. М. Юдин (1969) қўчқорларнинг қора совлиқлар билан ранги бўйича ҳар хиллаб жуфтлаштириш усули ёрдамида сур қўйлар подасини вужудга келтириш мумкинлигини исботлади. Олинган қўзилар териси жингалаклигининг шакли ва типлари яхши ифодаланганлиги, жуни ипаксимон ва ялтироқлиги, асосий кўпчилиги юқори мездирали эканлиги билан сур қорақўл қойлар урчитиладиган зонани кенгайтиришда бу усул ғоят муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда бу усулдан фойдаланиб, сур қорақўл қўйларининг жуда кўп завод типлари наслчилик заводлари ва Товар етиштирувчи хўжаликлар вужудга келтирилган. Сур қорақўл терилар экспортига ҳалқаро мўйна аксианерларига ананавий қорақўл териларга нисбатан 12-22% юқори нархга сотилади. “Қорақум” наслчиликдавлат

хўжалигида сур қоракўл қўйлар подаси биринчи бўлиб вужудга келтирилди. Бу давлат хўжалигида биринчи бўғинда олинган кўзилар 2.8%ни ташкил қилди. Улар келиб чиқиши сур бўлган гетероген қора совлиқлар (Ф1 Ф2 Ф3) билан урчитилиб 34.6% сур кўзи олинди, келиб чиқиши сур бўлган гетероген сур совлиқлардан (Ф1, Ф2 ва Ф3) 68.5% сур кўзи олинди. Орадан 15йил отгач шу хўжаликнинг келиб чиқиши гомозигота бўлган қўйлардан 97.8% сур кўзи олинди. Вужудга келтирилган сур қўйлар генотибида мазкур ранг аста секин тўпланиб мустаҳкамлашиб борди. Ҳозирги вақтда бутун пода мазкур ранг бўйича барқарор вабир бутин ҳолатга келган. Ушбу поданинг эвалутсияси қуйидагича содир бўлган. (7-жадвал)

7-жадвал

Гетероген чатиштиришда олинган сур кўзиларсони (В. М. Юдин, М.И. Котов ва бошқалар маълумоти)

Совлиқларнинг ранги ва келиб чиқиши	Ҳисобга олинган кўзилар	Шу жумладан ранглар бўйича (%)		
		қора	сур	рангдор
Қора, қора ранг бўйича гомозиготали	1681	90,8	2,8	0,4
Қора, сур бўйича гетра зиготали (Ф1, Ф2, ва Ф3)	723	65,0	34,6	0,4
Сур, қора ранг бўйича гетра зиготали(Ф2, Ф3, Ф4)	70	31,5	63,5	—
Сур сур бўйича гомозиготали	528	1,5	97,8	1,7

М. И Котовинг таъкидлашича насилдан наслга ўтган сур қўйлар сони кўпайиб боришига қарамай, олинадиган сур кўзилар сони кўпаймай, 27-35% атрофида сақланиб қолади. Аммо сур рангнинг ифодаланиш даражаси ҳар авлод сайин кучайиб борган. Жун толаларнинг асосидаги қорамтир ранг билан уч қисмининг оқиш ранги ўртасидаги кескинлик яхшиланган. Малумки селекциянинг натижасини ирсий жиҳатдан мустаҳкамликга ҳамда

генотипик ўзгарувчанликка боғлиқ. Генотипик ўзгарувчанлик нақадар кучли бўлса, танлаш ва саралаш учун материал шу қадар кўп бўлади. Илк бор Ч. Дарвин томонидан илгари сурилган бу ғоя ватанимиздаги зооинженерия фанининг атоқли арбоблари асарларида кенг қабул қилинди ва ривожлантирилди.

Генетика фанига кўп енгилликлар яратилди. Ирсий ўзгарувчанликнинг манбаи мутатсия эканлиги аниқланди. Қўйларда мутатсия ҳодисалари жунда тез юзага келиб турса керак. Бироқ бу ҳодисаларнинг ретсессивлиги ва фенотипларнинг хилма-хилиги сабабли юзага келадиган майда спантан мутатсиялар кўпинча пайқалмайди. Ҳайвонларнинг ҳар қандай конистутсияси танлаш ва саралаш манбаи бўлган ирсий хилма-хилиги жуда катта захирасига эга. Ўз навбатида муаян мақсадга қаратилган ,системали танлаш ва саралашнинг ўзи ҳам янги формалар (шакллар) ҳосил қилувчи манбадир.

Ч. Дарвин 1- марта давомли ўзгарувчанлик тўғрисидаги фикирни илгари сурган эди. Танлаш тасири остида белгилар шу танлаш ёналишида ўзгара боради. П. Н. Куляшов давомли ўзгарувчанлик тўғрисидаги Ч. Дарвин фикрини ривожлантириб, “яхши х яхши” тарзда гомоген жуфтлаштириш поданинг танланган ёналишида яхшиланишига олиб келишини исботлайди.

В.М. Юдин (1969), кейинчалик Н. С. Гигинейшвили (1986) селекция қилаётган барра хоссалари ва белгилари бўйича танлаш ҳамда саралаш устида олиб борган тажрибаларида шундай хулосаларга келдиларки, (плюс х плюс) тарзида турли вариантларда саралаш, масалан: ярим доирасимон қалами гул жингалаклар узунлиги уларнинг тери Товар юзасида жойланишиш гули жунинг, жунинг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги тери запаси, сифати, ранги, жилоси ва нақши бўйича саралаш, одатда анашу белгиларнинг ўзгарувчанлиги кучайишига сабаб бўлади. Янги авлодга ота она ҳайвонларда кам ифодаланган ёки уларга бутунлай бўлмаган жингалакларга ёки жун белгиларга эга бўлган кўзилар юзага келади.

Истемолли равишда “яхши х яхши” тарзида жуфтлаштириш адаптиве тасир этувчи селекция қилинаётган керакли белгилардан бирортаси учун қулай бўлган генларнинг аста секин тўплана боришига сабаб бўлади. Масалан Н. С. Гигинейшивили давомли ўзгарувчанлик назарийясига асосланиб рангдор Сурхандарё сур қоракўлининг янги типини яратди. “сурхон” завод типини рўёбга чиқаришда Сурхандарё вилоятидаги Гагарин номли давлат хўжалигини атоқли тажрибакор чўпонлари Ю. Шодмонов, Ш. Шодмонов зоотехниклардан М. Райимқулов, К. Сармонов ва И. Эрмоховлар , Н.С. Гигинийшивилли рахбарлигида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилдилар. Бу тип асосан паст баҳоли жигарранг терири қоракўл қўйлар подасида вужуга келтиришди. Бунда селекция жараёнининг моҳияти пигментнинг жун толаси узунлиги бўйлаб бир текис тақсимланиши натижасида ҳосил бўладиган бирхил тусдаги жигаррангни нотекис тақсимланувчи; асосида кулоқ ва жун учида кам бўладиган сур ранг айлантиришдан иборат эди. Жигар ва қўнғир рангга айниқса оч тусларнинг ҳар хил кўринишга эга бўган бази қўйлар диққат билан қараб чиқилса жунинг учи билинар билинмас оқишранга эканлигини пайқаш мункин.ўзгарувчанликнинг кучайиши Ч. Дарвин таълимотига кўра танлаш ёналишида давом этади. Шу сабабли муаян мақсадни кўзлаб олиб борилган танлаш натижасида подада жунинг учи кўпроқ оқиш бўлган ва асоси кучли пигментлашган кўзилар пайдо бўла бошлади. Аксари гомоген жуфтлаштириш воситаси, қариндош линиялар шунингдек линиялар кросслари бўйича урчитиш усулини қўлаш ёли билан кўзиларни танлаб олиш асосида сурхан дарё типдаги жунинг пигментлашиш интенсивлигига қараб ажралиб турадиган чеврон ранг, биронза, пилатина , қахрабо, антрохит деб аталувчи ва бошқа нақшлари вужудга келтирилган.

Сур қўйларнинг “сурхон” завод типиди биронза, платина, қахрабо ва гавҳар тусли сурларнинг бўлиши ўзбек зоотехника фанининг энг катта ютуғи бўлиб, у турли хил жуфтлаштиришларни амалга оширишга катта аҳамият беради. Гомоген жуфтлаштиришда, асосан ота она жуфтларининг

нақши наслдан наслга ўтади.Баъзан айниқса платина (ГЛС) ва қаҳрабо (ҚАХС) нақшларни қўзиларда бошқа турдаги нақшлар пайдо бўлади. Бу ходисани Н, С, Гиригейшвили уларнинг бронза ва платина сур қўйларни кросслаштириш ҳамда гирвон тилла ранг ва бошқа номатлуб нақшларнинг сиқиб чиқарилиши натижасида вужудга келган генотипи бир қатор эмаслиги билан изоҳлайди.

“Сурхон” типдаги сур қорақўл қўйларни нақш бўйича узоқ муддат давомида гомоген жуфтлаштириш поданинг мустаҳкамлигини ва ҳар бир нақшнинг ирсийланиш коифсентини ошириш керак. Нақшлар бўйича гетероген жуфтлаштирилганда ота она ҳайвонларга хос бўлмаган янги нақшлар пайдо бўлади. Илмий кузатишларда маълум бўлишича, Сурхандарё сурига шунингдек Бухоро сурига мансуб қўйларни гетероген жуфтлаштириш ирсий негизларни маълум даражада бўшлаштиради, гомоген жуфтлаштиришдагига нисбатан ота она жуфтларига ўхшаш қўзиларнинг умумий сонини 10,4% камайтиради, жуфтларидан бронза нақшли қўзилар 21,2% платина нақшлар эса 8.3% камайди. “сурхон” завод типдаги қўйлар подасида бронза тусли қўйлар 55.2% ни, платина туслилари 11.3%ни, қаҳрабо туслилари 10%ни, гавҳар туслилари 0.9% ни, кумуш сур 1.7%, қизил ранглилар 8.1%ни, сурсимон жигар ранглилари 12.8% ни, ташкил этади. 1962-йилда топширилга “сурхон” завод типили сур қўйлар териларининг 10.5%ни тилла сур, 5.3% ни кумуш сур, 7% ни қора сур, 23.7% ни бронза сур, 5.9 %ни қизил сур, 10.6% ни платина тусли сур, 11.9%ниқаҳрабо тусли сур, 12.5%ни,гавҳар ва олмос тусли сурлар ташкил этади.

Бу қўйларнинг наслий хусусиятлари ҳам мўтадил равишда қўзиларига берилади. Масалан: 1961-йилда бронза тусли совлиқлар шу хил қўчқорлар билан жуфтлаштирилганда 86.6% сур қўзилар олинди, шу жумладан бронза туслилари 74.1%ни, платина туслиси 5.3%ни, қаҳрабо туслиси 3.4%ни, қизил сур 13%ни, кумуш сур 3.4%ни, ва тилла сур 0.8%ни ташкил этган. Рангидан ҳар хил белгиларига қараб жуфтлашда, яъни бронза тусли совлиқлар платина

тусли қувҳқорлар билан жуфтлаштирилганда сур қузилар жами 91.1% олинган. Шуларнинг ичида бронза туслиси 51%ни, платина туслиси 20%ни, қаҳрабо 16.2%ни ва бошқалари 12.8%ни ташкил этган. Бронза тусли қувҳқор ва совлиқлари бир хил белгиларига қараб жуфтлаганда қаҳрабо тусли қузилар 3.4% олинган. Бронза тусли совлиқлар платина тусли қувҳқорлар билан жуфтлашиши натижасида қаҳрабо тусли қузилар 16.1% ёки 4 баробар ортиқ туғилган. (Н.С. Гиринейшвили, 1987)

Сур қорақўл қўйларни гетероген жуфтлаштириш янги нақшлар пайдо бўлишига олиб келдики, уларни методик саралаш юли билан сақлаб қолсиҳ хайвонлар ирсиятига мустаҳкамлаш мумкин. (М.Зокиров, У. Валиев, Ш.Ширинбаев, 1983)

3.8. Сур Қорақалпоқ қорақўл қўйларининг зот типи.

Қорақалпоқ типигади сур қўйлар энг қадимги гуруҳга мансубдир, уларнинг ранги наслда-наслга утиши билан ҳарактерланади.

Қорақолпоғистон сур қўйлари шу жойнинг тажрибалар қорақўлчилар томонидан чиқарилган. Хоразм, Қорақалпоқ ва Туркменистон халқлари асрлар бўйи рангдор сур қорақўл қўйларини урчитиб келганлар. Туркменистон ва Хоразм воҳасида 10-11-асрларда ҳам қорақўл қўйлари урчитилганлиги маълум. Қорақўлчилик билан шуғулланувчи халқлар бозор ва халқлар талабига мувофиқ селекция ишларини ҳам усталик билан юритганлар. Халқ селекционерлари қўйларини бир хил ва ҳар хил сур тусига қараб жуфтлаганлар. Қайси хил сур териларига бозор талаби катта бўлса, селекция ишлари ҳам шунга қараб юритилган. Шамчироқ сур териларининг ранги жуда чиройли. Жуннинг таги тўқ қора ва қора рангли, учи эса жуда ялтироқ бўлиб ҳудди кечаси ёниб турга шам каби ва жун толаларининг учи ёнғин била тутун аралашгандай бўлиб кўринади.

(Ю.Ж.Жуманиёзов 1985) Шамчироқ номи билан аталиш шу белгисига қараб қўйилган. Жун толасининг ранги ҳамма жойларида бир хил эмас,

шунинг учун ялтироғИ яхшидур.Терига тушган нур чиройли акс бериши натижасида у бахмалдек товланиб туради. Тери тусидаги қисқа қалам ва дона гуллар бу манзаранинг гузаллигини яна ҳам оширади. Бундай тери берувчи кўзиларни кўпроқ олиш ва сур кўйларнинг бу тусини такомиллаштириш учун маҳаллий чорвадорлар шамчироқ сур кўчқорларни шу хил совлиқлар билан жуфтлайдилар. Бу хил соф зот кўйларини бир хил белгисига қараб жуфтлашда шамчироқ сур кўзилар 50%дан ортиқ олинади.

Ўрик гул деб аталадиган сур териларига узоқдан диққат билан тикилиб каралса, у ҳақиқатдан ҳам чамандай гуллаб ўрик гулининг рангига ўхшайди. Бу хил сур териларда жун толасининг ости қора ёки тўқ жигарранг бўлиб сўнг бирданига очиқ қамбаррангга, энг учи эса, кумуш рангга айланган бўлади.Тери устидаги қалам ва дома гуллар кетма-кет жойлашганлигибилан жойлашганлиги туфайли бир гулнинг учи олдинги, иккинчи гулининг остини қоплаб туради, жуни рангида жуда чиройли манзара ҳосил қилади.Бу хил териларнинг жуни жуда ялтироқ ва ипаксимондир. Шунинг учун терининг гуллари ранг-баранг бўлиб, ялтираб товланади. Тери уситдаги ҳар бир жун толаси узунлигининг 3 ёки 4 хил рангли бўлгани ва бу жунлар тери сатҳига текис ёйилгани туфайли сур терилар жуда ҳам чиройли бўлиб кўринади. Сур терилар берувчи кўчқорлар билан ҳудди шу хил совлиқларни жуфтлаганда 60-65% ўрик гул кўзилар олиш мумкин.Ўрик гул элита ва 1-класс сур кўзилар берган совлиқларни шу хил кўчқорлардан қочирганда сур кўйларнинг бу туси такомиллашади. Қорақалпоғистонда пўлат тусли кузиларни ҳам кўпайтиришга э`табор берилди. Пўлат рангли сур жуннинг таги асосан қора бўлиб, я`ни 1/5 қисмигина оч пўлат туслидир қалами, дона ва чаппа гуллардан иборат бўлган бу хил тери гулларнинг таги қора, учи эса оч пўлат рангли бўлгани туфайли бундай терилар ҳам жуда чиройли кўринади. Бундай сур териларининг жуни, одатда қалин, ипаксимон, ялтироқ ва гуллари бақувват бўлади. Жунларнинг узунлиги 1,5-2см, гуллари йирик, терининг асосий қисми қалам ва дона гуллар билан қопланган бўлиб,

ба`занбел ва орқа қисмларида чаппа ёки ёл гуллар ҳам учрайди. Бу хил сур терилар берувчи қўчқор ва совлиқлар жуфтланса, 70-75%гача п`олат сур совлиқ билан, ўрик гул сур қўчқорларини шамчироқ ёки пўлат ранг совлиқ билан ва пўлат сур қўчқорларни шамчироқ ёки ўрик гул сур совлиқлар билан (сур рангдан ҳар хил белгиларга қараб) жуфтлаш ҳам қўлланилади. Бу хил жуфтлашларда натижа бир хил ранг белгисига қараб соф зот урчитишга нисбатан пастроқ бўлади.

Қорақалпоқ сур қўйларини тез фурсат ичида кўпайтириш учун юқорида тасвирланган 3хил қўчқорлар билан қамбар, гулгаз ва халили совлиқларни ҳам жуфтланади. Қамбар, халили ва гулгаз тусларини шамчироқ, ўрик гул ва пўлати сурларга айлантериш учун “сиқиб чиқариш” усули билан жуфтлашни ҳам кенг қўллаш яхшидур. Қорақалпоғистон сур қўйлар вояга етганда эктерер ва конститутсияси жиҳатидан бошқа хил қоракўл қой`ларига нисбатан мутаҳкам, тирик вазни оғир, жуни узун ва калин бўлади. Калласидаги қашқа сур белгиси умрининг охиригача сақланади. Сур қўчқорларнинг соф зот белгисини улар пешонаси ва бошидаги оласидан билиш мумкин.

Қорақалпоғистон сур қўйларини такомиллаштириш мақсадида 1959-йил Тўрткўл туманида давлат наслчилик хўжалиги ташкил қилинди. Қорақалпоғистон типидagi сур қўйлари устидан Тўрткўл Туманидаги “Қирғиз давлат хожалигида олиб борилган тажрибаларидан ма`лум бўлишича бу қўйларни нақши бўйича гомоген жуфтлаштириш ҳам ота-она ҳайвонларга хос нақшли сур қўзилар кўплаб ҳосил бўлишига олиб келар экан. (8-жадвал)

**Қорақалпоқ сур қўйларини нақши бўйича гомоген жуфтлаштириш
натижалари (Ю.Ж. Жуманиёзов маълумоти, 1983)**

Жуфтлаштириш вариантлари	Жами матлуб нақшлар	Шу жумладан нақшлар бўйича (%)			
		шамчироқ	ўрик гул	Пўлати (Сур)	Қамбар
Шамчироқ х шамчироқ	181	70.7	2,4	26.9	—
Ўрик гул х ўрик гул	225	10.7	69.7	5.3	21.3
Пўлати сур х пўлати сур	144	21,5	5.5	73.0	-
Қамбар х қамбар	646	3.8	21.3	3.8	71.1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики қорақалпоқ сурига мансуб қорақўл қўйларини нақш бўйича гомоген жуфтлаштириш типик белгиларини ортишига олиб келади, нақшлар яхшиланадиган булади, жуннинг оқиш учи ранги тозалигини, уларнинг қорамтир асосидан оқиш тусдаги учига ўтиш Контрастлигини кўпайтиради. Гомоген жуфтлаштиришда кутилганидек бошқача нақшлар пайдо бўлишини шу билан изоҳлаш мумкинки, яқин вақтларгача хар хил нақшли қўйлар, айрим истиснолардан ташқари, бир подада асралган. Шахсий хўжаликларда қорақалпоқ сурининг нақшини ажратишда қўйнинг чаккаси, бош ва демининг учидан қоплагич жун асосий белги (нишон) хизматини ўтаган. Қорақўл териларининг бутун Товар юзасида сур рангининг бир текис эмаслигини кенг тарқалган ҳодиса бўлган. Бу эса совлиқларнинг қочиришда жунининг оқиша ранги учи учун узун бол`маган қўчқорлардан фойдаланиш натижасида келиб чиққан.

“Қирққиз” давлат хўжалигида туғилган вақтида жингалакдаги жунларининг оқиш учининг узунлиги бутун жун узунлигининг $\frac{1}{4}$ ва $\frac{1}{5}$ қисмига тенг бўлган қўчқорлар насл олиш учун қолдирилади. Бундай қўзилар катта бўлганда уларнинг наслида ола-чипор қўзилар пайдо бўлмайди. Нақшлар ўртасида кросс юзага келишига ёл қўйилмаслик учун фермалар муайян нақшли қорак`ол етиштиришга ихтисослаштирилган. Ҳар бир нақхсга мансуб қўйлар муайян фермаларда урчитиради. Сурхондарё сури каби, қорақалпоқ сур қўйлари ҳам гетероген чатиштирилганда наслнинг $\frac{1}{5}$ қисми ота-онага хос бўламган нақшли бўлиб чиқади. Бу хил қўйлардан ҳам қорақалпоқ сурнинг янги хил нақшларини ҳосил қилишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

IV. СУР РАНГ ҚОРАКЎЛИНИНГ ТОВАР СИФАТЛАРИ.

Рангдор қоракўл териларида сур ранг терилар жуда ҳам ғалатиси ва гўзалидир. Асос қисми тўқ қорамтир ва учалри оч тусдаги яхши ялтироқликка эга бўлган толалар турли рангларнинг ажойиб жилосини ҳосил қилади. Сатҳига тушаётган ёруғлик нурларига нисбатан тери ҳолатининг ўзгариши унинг рангини ўзгартиради, яъни терининг баъзан қорамтиқ, баъзан тилласимон ёки кумушсимон тусларига ўтади. Сур териларининг мана шундай нодир гўзаллиги азалдан маълум. Ана шу ранг териларининг энг яхши нав қора териларига нисбатан 10баробарлаб қиммат нархларга сотилган ҳоллари ҳам маълум. Илгари сур ранг қоракўл қўйлари билан ҳеч қанақа наслчилик ишлари олиб борилмаган улар қора ранг қоракўл қўйларининг урчитишда баъзан юз берувчи ирсий парчаланиш оқибатида ёхуд уларнинг қамбар, қўнғир ва кулранг қўйлар билан тасодифан чатиштиришдан олинган. Шу сабабли сур ранг қоракўл қўйларининг терисининг сифати турличадир, қора ранг қоракўл қўйларининг терисиникидан пастдир.

Қоракўл қўйларининг толалар асоси тўқ қамбар бўлганда оқарган учи тилласимон тусда, толалар таги тўқ кулранг бўлганда эса учи кумушсимон тусда бўлади. Кумуш ва тилласур қоракўл қўйларининг ўртасидаги фарқ ҳам ана шундан иборат сарғиш сур қўйларининг эса толалар таги тўқ қўнғир тусда, учлари эса сарғиш бўлади. Қоракўл қўйларининг қамбар ва қўнғир ранглари, шунингдек тола устунлиги бўйича рангининг текис бўлишини думбали қўйлар наслидан қоракўл зотига ўтиб қолган экан, ундан мазкур рангдаги (тилла ва сарғиш сурлар) териларининг товар сифатига ҳам қамбар ва қўнғир ранг қоракўлларда бўлгани каби камчиликлар ҳосилдир. Қўпчилик тилла кумуш сур рангдаги терилар бир мунча йирик гулли, анча дағаллашган ва шишасимон ялтироқликдаги жун қопламига, яссилашган ва кам жингалакланган гулларга эга бўлиши ва аниқлиги хиралашган нақшдорлиги билан ажралиб туради. Аммо терилар сифатининг ёмонлашувига ранг

сабабчи эмас, бунда далил бўлиб қисқагина муддатларга олиб борлиган наслчилик ишлари билан ҳам тилла сур териларининг сифатини яхшилаш мумкинлигини имконият борлиги (собик “Оқ қопчиғай” давлат хўжалиги ва айрим жамоа хўжаликаларининг фермалари мисол бўла олади) хизмат қила олади. Кумуш сур териларининг Товар сифатлари тилла сур терилариникидан юқориқдир. Кумуш сур териларининг юқориликлари унчалик кзуга ташланмайди, дағал толалик деярли учрамайди, балки толаларнинг ортиқча майинлиги кузатилади; Кўпроқ ижобий тип ўрта ўлчамдаги гуллар учраб нақшдорлиги ва ялтироқлигига яхши ифодаланган. Қамбар ва қўнғир ранг териларга ҳамда тилла сур териларга хос бўлган қалин мағизлилар кумуш сур териларда қарийб кўзга ташланмайди.

Сур териларга (уларнинг товар сифатларига) қўйиладиган талаблар қора териларга қойиладиган талабларга нисбатан бўшроқдир. Қора териларда гул ҳосил қиливчи толалар учлари гул жингалаклигига кириб келиши учун тўлиқ доира шаклидаги (313 даражадаги жингалакланиш) жингалакни ҳосил қилиш лозим. Сур ранг териларга эса толаларнинг тўлиқ доира ҳосил қилиб жингалакларини ранг-барангликнинг ўзига хос гўзалликни ё`котади, чунки толаларнинг оқарган учи кўринмай қолади. Толалари 2/3 даражада жингалакланган гулларнинг бақуватлиги биров пасаяди, лекин толаларнинг учлари кўринмай турди, сур рангининг нодир гўзаллигитўлиги `ича намоён бўлади. Толаларнинг тўлиқсиз жингалакланиш кўпроқ паст глларда учрайди, шу сабабли ҳам шунақа ясси гуллар сур терилари учун ҳуксон деб ҳисобланмаслиги лозим. Ясси гуллар, ён гулларга, ҳаттоки кўтарилган яноқ майдонларга ўтганда ҳам сур терилар ўзларини кўркамлигини сақлаб қола олади. Лекин селекция ишлари сур терилар юзасида ўрта ва ҳатто майда ўлчамдаги ярим доиралик қалами ва ловиясимон гуллар бўлишига эришилишга қаратилиши лозим. Қора терилардан фақат толаларнинг камроқ жингалакланиши билангина фарқ қилувчи сур терилар жуда ҳам чиройли бўлади. Сур териларнинг ялтироқлигига айниқса катта талаблар қўйилиши

лозим, чунки яхши ранг-баранглик бўлганда ҳам жун қопламининг етишмаган ёки шишасимон ялтироқликда бўлиши, шунингдек, ялтироқликнинг ёқлиги терининг чиройини кескин туширади. Дунбали кўйларда сур ранг кенг тарқалган лекин рангининг кам чиройлиги дунбали кўзиларда яхши шакилдаги жингалакликнинг тўқлигидан эмас, балки салбий ялтироқлик натижасидир. Сур ранг қорақўлнинг камчиликларига мазкур рангнинг турли тусларда ўзгарувчанкиги оқибатида бир-бирига ўхшамай териларни кўп сонли партиясини танлаб олиш имкони ёқлигидир. Сур рангининг турли тусларда ўзгарувчанлигини учи оқарган толалар асосининг турли рангларда, яни турли тус қамбар, қўнғир ва кул рангларда бўлиши билан шарқлаш мумкин. Толалар учини оқ ранга ўтишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, тола учлари рангининг бўшашиши кескин бўлиши мумкин. Бунда тўқ рангдаги тола асосидан 3та бирданига ўтади ёки аста секин ўтиши мумкин. Буларнинг барчаси турли комбинатсияларда учраши оқибатида сур рангининг сон саноксиз хил ва туслари юзага келади. Сур ранг кўйлар билан режали равишда наслчилик ишларини бошлаб, бу камчиликларни тезда тузатиш мумкин. Сур ранг терилар тусларининг турли хилларда учраши селлаксиянерларимизга энг чиройли, жозибадор рангбарангликларни танлаб, улар билан шу бошлаш имкониятини беради.

Ана шу факторларнинг ҳар бирини алҳида кўриб ўтказиш ва уларнинг ранг баранглик сифатига кўрсатилган тасирини баҳолашга ҳаракат қиламиз. Жун толалари асосининг рангларида энг ёқимлиси кўк рангдир кумуш сур, қамбар ранги ҳам қарийб шунчалик чиройлидир – тилласур, қўнғир ранги эса кам чиройлидир бу рангдаги толаларнинг учлари сарғиш ва кирлангандир. Чиройли сур терилар олиш учун толалар асосининг ранги тўқ тусларда, яъни тўқ қамбар ва тўқ кулрангда бўлиши лозим. Толалар асосининг ранги бир мунча бўшашган териларда фақат тола учларининг ўта оқариб кетишигина чиройли сур рангини ҳосил қила олади. Толалар асосининг сир тусда яъни сарғиш, тилла, кулранг бўлиши тола учларининг ўта оч бўлишига қарамасдан

камига кўзга ташланишига олиб келади ва бундай терилар оддий бир туслик рангдор терилардан қарийб фарқи қолмабди, улар камчирой бўлгани учун сур симон терилар деб аталади толаларнинг оқарган учи тилла сурда оқ тилла симон, ёки кумуш сурда ота оч кулранг ёки қарийб оқ тусда бўлган териларда чиройлидир бироқ тола учларининг шунчалик, ўта оқариши фақат қисқа бўлган ҳолатлардагина мақул бўла олади. Тола учлари кўп оқарганда терилар баъзан жуда чиройли бўлишига қарамасдан кўпчилиги алмашлаб кетган бўлади. Баъзан толалари алоҳида кўрилганда оқарган учлари деярли кўзга ташланмайдиган, лекин қарийб қора рангдаги териларда тилла навларини ҳосил қилувчи ажойиб чиройдаги тилла сур териларни учратиш мумкин. Тола асосларининг ранги қанчалик оч тусда бўлса оқарган учига ўтиш манзараси кескин бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тола узунлиги бўйлаб рангининг кескин ўзгариши айниқса кумуш сур терилар учун муҳимдир, чунки тола асосининг тўқ кулрангда бўлиши ҳатто тилла сурдаги тола асосларининг тўқ камбар ранга нисбатан ҳам очроқ тусда кўзга ташланади. Тилла сур қорақўлда толанинг тўқ рангдаги асосидан оч тусдаги учига ўтиши манзараси аста секин бўлишига қарамасдан терилар оз чиройини сақлаб қола олади. Оёқ учлари ва бошларида ёки тананинг айрим қисимларида кичик майдон бўлиб учи оқарган толалари тарқалган терилар таёрлав ташкилотлари томонидан сур тери сифатида қабул қилинишига қарамасдан, бундай териларнинг асосий майдони бир тусдаги тўқ камбар, тўқ кулранг ва қора ранг толалар билан қопланган. Табиийки шунақа “чала сур” ларнинг товар сифатлари ҳам шу рангдаги териларникига ўхшаб кетади. Сур ранг кўзиларнинг класификациясига охшашдир, лекин сур кўзиларнинг қуйидаги талабларга жавоб бера оладиганлари қўшимча тарзда элита классига ажратилади. Ранги –тола асослари тўқ тусдаги ва рангига кўра тола асоси билан учлари яққол фарқ қилувчи тилла ва кумуш сур. Бутун юзаси бир хил туслик терилар жингалакланиши даражаси 2/3 қисим ва ундан юқори бўлган, бақуват қалами, қалами ловиясимон гуллар билан қопланган, шаклдорлиги

3/3 гул нақшлари аниқ, жун қоплами ипаксимон ва майин ипаксимон, қалин нормал ялтироқликда. Тола асослари тўқ тусда болган ва оқарган учлари яққол кўзга ташланувчи элитаклассидаги қўчқорчалар ҳам 1-класс қўчқорлар каби наслига қолдирилади. Бутун иттифок стандарти талабларига мос равишда савдо класификациясига кўра кўк ва қамбар терилардан ажратилган навлар сур терилар орасидан кам ажратилади. Толалар учининг оқариши териларнинг (кўк ва гулигаз) рангли толаларда ҳам учраб ажойиб ранг барангликларни вужудга келтиради. Гулигаз териларда ранги унчалик кўзга ташланмайди, бундай терилар гулигаз ранги бўйича қабул қилинади. Учлари оқарган кулранг толалари бўлган (кулранг шерози) терилар айниқса чиройлидир оқ толалари камгина бўлса, тўқ кулран толаларнинг учлари кўп оқарган бўлса у ҳолда бундай ранг баранглик – кумуш шерози сур деб аталиб, жун қоплами ялтироқ, ўрта ўлчамдаги қалами ва ловиясимон гулларга эга бўлганда айниқса ўта чиройли бўлади. Бу ранг барангликдаги терилар Қорақалпоғистонда кўплаб етиштирилар эди.

V. СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ

Сур қўйларни рангининг хилма хиллигига қараб саралаш системаси мураккаб. Товар хўжаликлардаги наслчилк ва фойдаланиладиган подаларда бир типдаги ва бир хил нақшда сур қўйларни урчитиш тавсия этилади. Агар подада икки хил ва ундан ортиқ насли қўйлар урчитилса, бундай нақшларнинг ҳар бири алоҳида отар ёки фермаларда жамланган бўлиши керак. Барра типлари бўйича саралаш усули ва қоракўл қўйларни урчитишдагининг айнан ўзи.

Платинасимон нақшлидан бошқа ҳамма хилдаги қўйларда нақш бўйича гомоген тарзда саралаш усули қўлланилади. Бундай қўйларни урчитишда ҳар хил усулда саралаш (ГС Х БС ва бошқа)қўлланилиши керак.

Сур қўйлар подасини вужудга келтиришнинг илк босқичда ҳар хил (гетероген) рангли қўйлар сараланади.Сур совлиқлар кўпая борган сари гомоген (сур х сур) жуфтлаштиришга ўтилади.

VI. Экологик масалаларнинг ёритилиши, ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги.

Бизнинг мамлакатимизда киши саломатлиги учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасида кўп ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида жумладан чорвачиликда ишлаб чиқариш просесслари комплекс механизатсиялаштирилаётган бир даврда меҳнат хавфсизлигини таминлаш катта аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида техника хавфсизлиги қонунчилиги ўсди ва ҳар томонлама ривожланди. Мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги давлат назорати системаси ташкил қилинган бўлин бу ташкилот барча корхоналарда тинмай ишлаб турмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасида бошқа ишлардан озод қилинган инсонлар жавобгар ҳисобланади. Ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тадбири чоралари режаси тузилиб бунинг учун кўплаб маблағ ажратилади. Бундан ташари сик жойларида ферма ва корхоналарда душлар қуриш ва махсус кийимлар учун мукофотлар ўрнатилга катта пул ажратилади.

Техника хавфсизлиги қоидаларини яхши биладиган жавобгар шахслар техника хавфсизлик бўйича доимий инструктажлар ўтказилиб турадилар. Масалан ишга қабул қилинишда бир ишдан иккинчи ишга ўтаётганда ҳар куни ишни бошлашдан олдин инструктажлар олади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасида қуйидаги ҳужжатлар ишлатилмоқда.

1. Техника хавфсизлиги бўйича кириш ва даврлар соҳасидаги инструктажларнинг ёзиб бориш журнали.
2. Техника хавфсизлиги бўйича кириш ва даврлар соҳасидаги инструктажларнинг ҳисоб карталари.

3. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ходисаларни ёзиб борадиган журнал.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасидаги тадбирий чоралар режаси.

Меҳнатни муҳофаза қилишда ишчиларни махсус кийимлар қуроллар ва бошқа буюмлар билан таминлаш катта аҳамиятга эгадир.

ХУЛОСАЛАР.

1.Ота оналари қора бўлган совлиқлар жуфтланган сур кўзилар 5.3%, биринчи бўғин совлиқлардан 27.8% иккинчи бўғин совлиқлардан 50.8% ва сур кўйлардан эса 85% сур кўзи олинган (М.Эгамқулов).

2.Гетерозигота қора совлиқлар иккинчи бўғин сур кўчқорлар билан жуфтланганда сур кўзилар 5.9%, 1. Бўғин қора совлиқлардан 27.6%, 2-бўғин қора совлиқлардан 52.4% ва сур кўйлардан эса 86.3% сур кўзилар олинган (М.Эгамқулов)

3.Гетерозигота бир хил сур белгисига қараб жуфтлаш натижасида олинган сур кўчқорлар билан жуфтланганда сур кўзилар 6.4%, 1- бўғин қора совлиқлар 29.2%, 2-бўғин қора совлиқлар 54.2% ва сур кўйлардан 95.4% сур кўзилар олинган (М.Эгамқулов).

4.Қора ота оналардан олинган совлиқлар сур кўчқорлари билан жуфтланганда 5.0% сур, 2.5% қамбар ва 92.5% қора кўзи туғилган (М.Эгамқулов).

5.Қора ота оналардан олинган 1-бўғин совлиқлар сур кўчқорлари билан жуфтланганда 29.7% сур, 1.0%қамбар ва 69.3% қора кўзилар туғилган (А.К.Ибрагимова, А.Жалминов).

6.Қора ота оналардан олинган 2-бўғин қора совлиқлар сур кўчқорлар билан жуфтланганда 59.5% сур, 0.5% қамбар, 40.0% қора кўзи туғилган (А.К.Ибрагимова, А.Жалминов).

7.Қора ота оналардан олинган сур совлиқлар сур кўчқорлари билан жуфтланганда 91.4% сур, 0.1% қамбар ва 8.5% қора кўзи туғилган Худди ана шундай натижалар А.К.Ибрагимова, А.Жалминов ишларида ҳам олинган.

8.Қора ота оналардан олинган совлиқлар қони сурлилик томонга шкеши бориши билан улардан олинган элита ва 1-класс кўзилар 13.5% дан 33.6% гача, 30-класс кўзилар сони 8.1%дан 10.4%гача, 2-класс кўзиларнинг миқдори 78.4%дан 56.0%гача лфьнши борган Гомоген жуфтлаштиришда

асосан ота она жуфтларининг нақши наслдан наслга ўтади. Сверделов таянч пунктига қарашли жамоа хўжаликларда рангидан бир хил белгисига қараб жуфтланганда наслчилик ишларининг дастлбки даврида сур белгиси танананинг ҳамма қисмига 100% текис тарқалган кўзилар фақат 46.8% бўлса наслчилк ишларининг сўнги йилларида бу хил кўзилар 74.4% га кўтарилди. натижада Сверделов жамоа хўликларда кумуш сур терилар етиштириш 80-95% га етди. 1-нав сур терилар наслдор сур кўйлардан 79-81% гача олинди. (А.К.Ибрагимова, А.Жалминов).

9. Сурхон типига бронза тусли совлиқлар шу хил кўчқорлар билан жуфтланганда 89.6% сур кўзилар олинди, шу жумладан , бронза туслилари 74.1%ни, планета туслиси 5.3%ни, қахрабо туслиси 3.4%ни, кумуш сур 3.4%ни қизил сур 13%ни ва тилла сур 0.8%ни ташкил этди (Н.С.Гигинейшвилидан).

10. Қора қалпоқ типигаги ўрик гул сур берувчи кўчқорлар билан худди шу совлиқлар жуфтланганда 60- 65% ўрик гул кўзилар, платина сур берувчи кўчқор ва совлиқлар жуфтланганда эса 70-75% гача пўлати сур кўзилар олинган (Ю.Ж. Жуманиёзовдан)

Ишлаб чиқаришга амалий таклиф ва тавсиялар.

1. Сурликни жадал ривожлантириш учун қора, жигар ранг қора кўл қўйларни сур қўчқорлар билан гетероген жуфтлашни тавсия этамиз, қайси кимсур қўзилар сонини тез орада кўпайтириш билан бир қаторда янги нақшлар пайдо бўлиш имконини яратади, уларни методик саралаш юли билан сақлаб қолиш ва хайвонлар ирсиятида мустахкамлаш мумкин.

2. Сур қўзиларн нақшлари бўйича гомоген жуфтлаштириш нақш типининг такомиллашишига, жун учининг ранги, яни асосидаги қора рангнинг учроғига бориб бирданига оқиш ранга ўтиш даражаси кучайишига, терининг бутун Товар юзасида сур рангининг бир текис бўлишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Karimov I.A Andijon viloyati kengashining navbatdan tashqari sessiyasi. Xalq so'zi gazetasi, 2013 – yil 26 – aprel.
2. Karimov I.A. Jaxon moliyaviy – iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitidauni bartaraf etishning yo'llari va choralari. Toshkent - «O'zbekiston» - 2009.
- 3.Karimov I.A O'zbekistonda chorvachilikni rivojlantirish bo'yicha president qarori. Xalq so'zi gazetasi 2008 – yil 22 – aprel.
- 4.Karimov I.A. «O'zbekiston XXI asrga intilmoqda» Toshkent 1999 – yil.
5. Наслчилиқ туғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент. 1995 йил 21 декабр.
- 6.“Шахсий ёрдамчи. Дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-308 сонли қарори. Тошкент 2006 йил 13 март.
- 7.Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси президентининг ПК-842 сонли қарори. Тошкент 2008 йил 21 апрел.
8. Ахметшиев А.С. – Селекция каракульских овец каракалпакского сура, изд. Кайнар, 1989,
- 9.Базаров С.Р. – Продуктивность и биологические особенности каракульских овец окраски сур разных типов конституции. Автореф. Канд. Дисс. Ташкент, 1990.
- 10.Васин Б.Н. – Наследование окраски и пежин. Тр. Цент, стан. По генетике с-х животных. Генетика овец. 1928.
- 11.Васин Б.Н. – Цветной каракуль. Изд-во «Международная книга». 1946.

- 12.Васин Б.Н., Васина-Попова Е.Т. Руководство по каракулеводству. М., 1971,
- 13.Васин Б.Н. “Рангдор қоракўл” Самарканд 1990.
- 14.Воробьевский А.П., Всеволодов Э.Б., Р.Г.Валиев., А.Инаятов.,И.Латипов. ЭПР-спектрометрическая оценка содержания меланина в шерсти каракульских ягнят. С-х биология, 1987.
- 15.Газиев А. Чўл – яйлов чарвочилигини мадеризациялаш муамоллари. 2012 й.
- 16.Гигинейшвили Н.С. – Племенная работа в цветном каракулеводстве. М. «Колос», 1976.
- 17.Гигинейшвили Н.С. – Теория и практика создания новых расцветок каракуля. Автореф. Дисс. с-х наук, Московская обл. Дубровицы, 1979,
- 18.Григорьянц Р.И. – Каракульские овцы сур бухарский. Ж.: «Сельское хозяйство Узбекистана», 1958.
19. Дарвин Ч.- Происхождения видов , М 1937.Фан, 1980
- 19.Дьячков И.Н., Искандаров М.А. – Изменения извитости и направления от крытой стороны завитков в процессе обработки каракуля. Сб. научных трудов ВНИИК, Карак-во, вып, 1, Ташкент, 1972.
20. Дьячков И.Н., Воробьевский А. Характер наследования некоторых окрасок каракульских овец. Сб. Проблемы генетики в каракулеводстве. Алма-Ата, 1975.
- 21.Жилякова В.С. – Выведение каракульских овец сур на основе разнородного по окраске спаривания. Тр. УзНИИЖ, вып., 2, Ташкент, , 1975,
- 22.Жильякова В.С. – Смушковые типы и качество каракуля сур. «Овцеводство», 1978.
- 23.Жилякова В.С. – Селекция цветных каракульских овец. Алма-Ата, 1981
- 24.Закиров М.Д. и др. – Смушковедение. Ташкент, «Укитувчи», 1978.

25. Закиров М.Д., Юсупов С.Ю. – Каракулеводство. Ташкент «Мехнат», 1991.
26. Закиров М.Д., Юсупов С.Ю. – Биология каракульской овцы. Ташкент, «Фан», 1992.
27. Инаятов И.А., О.Б.Файзуллаев. –Содержание меланина в волосе каракульских ягнят различного происхождения. Самарканд ҚХИ “Фан ва. ишлаб чиқариш интеграцияси кишлок хўжалиги самарадорлигининг муҳим омили” Самарканд 2013.
28. Котов М.И. – Несут ли каракульские овцы рецессивную черную окраску. Ж. «Овцеводство», 1977.
29. Кошевой М.А. – Селекция и условия разведения каракульских овец. Ташкент, 1975.
30. Мухаммедов К. – Характер наследования окраски сур у каракульских овец. Генетика., 1976, т.12, №12.
31. Сатторов С.Б., Юсупов С.Ю. Қудратов Ф. Файзуллаев О. Чўл – яйлов чарвочилигини мадеризациялаш муамоллари. 2012 й.
32. Стояновская В.И. – Племенная работа при разнородном разведении серых овец. В кн.: «Разведение и содержание каракульских овец». «Фан», 1975.
33. Уйсенбаев Б.С.- Качественные состав ягнят сур бухарского типа в зависимости от типа подбора и уровня кормления суягных маток. Тр. КазНИИК. «Интенсивная технология каракулеводства». «Кайнар».1987.
34. Умурзаков Т.- Изменчивость признаков и селекция каракульских овец. Автореф. Докт.дисс. Дубровицы. 1989.
35. Умурзаков Т.- Подбор плоскозавитковых баранов к маткам разных смушковых типов при разведении овец сур. Сб.трудов КазНИИК, т.2, Кайнар, 1989,
36. Юдин В.М., Котов М.И. – Еще раз о методике создания стада овец сур Бухарского типа. Ж.: Овцеводство, 1979, №10.

37.Юсупов С.Ю. – Методические указания по изучению внутри породных и заводских типов овец каракульской породы. Самарканд, 1987.

38.Юсупов С.Ю. – Племенные ресурсы каракулеводства. Обзорная информация. Изд. НИИТИИ технико-экономических исследований. Ташкент, 1989.

39. Юсупов С.Ю. – Некоторые особенности наследования серебристого сура при разнородном по окраске спаривании. Ж. Овцеводство, 2001.

ИЛОВАЛАР.

Қоракўл терилари асосан учта навга, тўртта барра турга кўра ажратилади.

Қоракўл – туғилган вақтидан бошлаб 5-10 кун давомида сўйилган кўзичокдан олинган тери.

Қоракўлча – туғилишига бир ой қолган она кўй қорнидаги кўзичокдан олинган тери.

Тақирча – она кўй қорнидаги 116-117 кунлик (кўзичок 150 кунда дунёга келади) вақтида ёриб олинган кўзичокдан олинган тери.

Бунда кўзичокнинг териси жуда юпка, юнглаз эндирина чиқа бошлаган, жуда майин бўлади. Асосан аёллар кўлқоплари учун ишлатилади.

Шунингдек, она қорнидаёқ ёриб олинган кўзичокларнинг бундай навдаги тери маҳсулотлари энг қимматбаҳо тури ҳисобланади. Битта она кўйдан бир йилда икки марта кўзи олиш мумкин, бироқ бу тери сифатига ва наслга салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун битта кўйдан бир йилда бир марта, умумий ҳисобда эса беш йилда беш марта кўзи олинади. Фойдаланиш вақти тугаганда, яъни бешинчи кўзи олиниш даврига етиб келганда, анча қариб қолган совлиқ сунъий урчитилади ва семиртириш учун аввалгига қараганда яхшироқ боқилади. Бундан иккита мақсад кўзланади: совлиқнинг гўшти ва қимматбаҳо қоракўлча ёки тақирча навли кўзи териси. Энг сўнгги кўзисини дунёга келтиришга улгурмаган совлиқларнинг қорни ёрилиб, ҳали буткул ривожланиб улгурмаган кўзичок чиқариб олинади ва маҳсулотлар (гўшт, тери) ажратилиб, тозаланади

Каракулеводство

Подраздел: [Статьи об Узбекистане](#) | [Узбекистан](#)

Страницы: 4



Узбекистан занимает ведущее место в мире по производству каракуля. Каракульская порода была выведена сотни лет назад на пустынных кызылкумских пастбищах вокруг Кара-Куля (в переводе «Черного озера»).

Впервые тюркское слово «каракуль» упоминает в 978 году арабский историк Ибн-Хаукаль. А спустя 300 лет венецианский путешественник и купец Марко Поло

восторгался оригинальными узорами каракуля. Бухарские и хивинские купцы торговали в XVII веках каракулевым сырьем на рынках в Нижнем Новгороде и Твери. А в XIX веке бухарский каракуль пользовался огромным спросом на международных пушных аукционах Европы и Америки.

До начала XX века правители Бухары сохраняли монополию на производство и экспорт своего золотого руна – через Иран или приволжский город Астрахань. Отсюда и пошли западные названия каракуля – «персидский ягненок» и «астрахан». Но в 1907 году последний бухарский эмир сделал необдуманый подарок британскому послу - стадо каракульских овец, и англичане незамедлительно вывезли их в Намибию, откуда пошло новое направление в каракулеводстве - производство намибийского каракуля, получившее название «свакара» – то есть аббревиатура South-West African KARAKul, в переводе означавший каракуль из юго-западной Африки.

В 1920 году последний эмир Бухары бежал от большевиков в Афганистан, забрав с собой лучшие отары. Тем самым в Афганистане также начали выделывать каракуль. Афганистан стал ведущим производителем каракуля, хотя афганские шкурки проигрывали изысканным и разнообразным узбекским прототипам.

Узбекский каракуль называют тонким как замша и мягким как бархат. В советское время под маркой BUHARA KARAKUL каракулеводство стало основным направлением экономики. Каракуль составлял 40 % всего экспорта. Получение цветного каракуля было одним из направлений племенной работы во всех странах. Перед производителями каракуля была поставлена задача в получении различных цветов.

Самый распространенный цвет каракуля – это черный. Особенной ценностью в черном окрасе является узор. По сравнению с черным каракулем рисунок серого более простой, но отличается игрой цвета. В зависимости от соотношения количества черных и белых волосков, возможно получение палитры цветов от светло-серо-голубого до черного с седым оттенком.

Наличие в сером каракуле небольшого количества коричневых волосков, придает шкурке красивый сиреневый оттенок. Такой сорт каракуля называют "гулигаз" (в переводе с узбекского - "цветок тамариска"). Серый каракуль является прекрасным материалом для окрашивания, т.к. нейтрально-серый не дает цветовых искажений. Серый каракуль был получен во всех странах, но особенных успехов производители достигли в Афганистане, где доля такого каракуля может достигать 60%.



Коричневый каракуль относится к редким цветам и не часто используется в натуральном виде. К проблемам его подбора по завитку добавляется большой спектр расцветок: от шоколадного до бежевого, от рыжего до холодно-палевого. Самым ценным сортом коричневого каракуля является "сур", у которого интенсивность цвета меняется по длине волоса: у корня - темнее, на концах - светлее. Самый редкий цвет каракуля - белый. Лучших результатов по качеству и количеству достигли только в Намибии. Белая свакара имеет чистый, молочный цвет.

Сейчас Узбекистан – второй в мире производитель каракуля после Афганистана. Селекционеры Узбекистана сделали ставку на легкий и тонкий каракуль так называемого жакетного типа, у которого тугие завитки образовывали трубчатые вальки разной длины по всей площади шкуры. На мировом рынке растет спрос на высококачественный узбекский каракуль и производимую из него продукцию.